БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

1990 йил 10 январь
Чоршанба
№ 7 (13.443).
Баҳоси 3 тийин.

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган • ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ

• Комсомолда ҳисобот ва сайловлар: Фарғона

САВОЛЛАР КЎП. ЖАВОБЛАР-ЧИ?

Улар 167 нафар эдилар. 167 нафар алп келбатли ўғлон. Агар улар ҳаёт бўлганларида конференциянинг фаолларидан бўлишармиди? Балким етакчилар сафида туришарди. Шубҳасиз, улар комсомолнинг йўқотилган ишонч, бой берилган обрўсини тиклаш учун пешқадамлик қилишган бўлардилар. Афсус, мардларга она-юрт тупроғига қайтиш, уни кўзларига суртиш насиб қилмади. Конференциянинг биринчи куни кекса коммунист, комсомол ва меҳнат ветерани Чиннихон опа Иброҳимованинг кўзларида ёш кўрдик.

— Болаларим, — деди у комсомолларга, — жуда-жуда хайрли ишга қўл урибсизлар. Сизлар бошлаган ҳаракат суюкли ўғлонидан, вафоли ёридан ажралганлар, юрак-бағри хун бўлганлар тилаги...

Афғонистон юракларни мажруҳ қилди. Энди ўша қирғинбарот йилларини алам ва дард билан эслаяпмиз. Фарғона вилояти комсомоли Афғонистонда мангуликка бош қўйган ҳамюртларимиз хотираси учун қутлуғ ишни бошлади. Улар Фарғона шаҳридаги «Октябрь 25 йиллиги» кўчасидан ташландиқ жойни олишиб, уни обод айлашга — байналмилал-жангчилар хиёбони ташкил этишга киришдилар. Хиёбондаги қурилажак монумент, ёдгорлик атрофида 167 туп яшил арча қад ростлайди. Ўша куни совуқ бўлишига қарамасдан, дастлабки ниҳол экилди. Вақти келиб, арчалар бўй кўрсатади, мард ўғлонлар янглиғ саф тортишади.

Вилоят партия қўмитасида ноҳия комсомол қўмиталарининг биринчи котиблари ва фаол делегатлардан бир гуруҳи қабул қилинди. Учрашувга вилоятнинг турли корхона ва ташкилот раҳбарлари таклиф этилган, улар ёшлар муаммоларига жавоб қайтаришлари лозим эди. Қолаверса, залга қутилар қўйилди. Комсомоллар ўзларини қийнаётган масалаларни қоғозга ёзиб, ўша қутиларга ташлашлари кўзда тутилганди. Учрашув ёшларга нима берди? Тан олиш керак, ҳеч нарса. Етакчилар юзма-юз мулоқотдан жуда кўп нарса кутгандилар. Аммо йиғилишда комсомол кўнглига таскин беришдан нарига ўтилмади.

Учрашув сўнгида раҳбарлар қолган саволларга жавоб конференцияда қайтарилади, дедилар. Лекин...

Партия ходимлари, раҳбарлар ва комсомолларнинг мулоқоти ҳаргиз кўнглингизга илиқлик югуртирсада, давомли саволлар туғилаверади. Тўғриси, ўша куни муаммолар қутида қолиб кетди. Етакчилар яна бир бор амин бўлдилар: Ҳамма нарсани ҳал этиш комсомолнинг ўзига боғлиқ.

Фарғона вилояти комсомол ташкилоти ҳисобот даврида таъбир жоиз бўлса, ўзига хос синовдан ўтди. Ижтимоий-иқтисодий муаммолар, миллий масала ва муносабатлар етилиб қолган эди. Комсомол уни ўз вақтида илғай билдими? Сезди: кўтарилиб келаётган тўлқиннинг олдини олиш керак. Аммо тўлқинни тўхтатиб бўлмади. Шунда комсомол шаънига маломат тошлари отилди. Адолат юзасидан айтиш керак. Комсомол ловуллаётган оловни ўчиришга уринди. Аммо қўли калталик қилди. Юз бераётган ҳолатни ўтиб кетгувчи ҳол деб баҳолангани эса унинг камчилиги эди. Шубҳасиз, ёшлар тўлқиннинг кўтарилиш эҳтимолини сезди. Ижтимоий-иқтисодий муаммолар юзасидан пленум ўтказди. СССР халқ депутатларининг I Съездига мурожаатнома юборилди. Лекин ана шу уринишларига қарамасдан, ҳақиқий аҳволга юқори партия ва совет органларини ишонтира олмади.

Конференцияга кирар чоғимиз делегат Юрсиной Дадаева:

— Риштондаги кўчма пленумни эслайсизми? — деди.

Эсламай бўлармиди. Таъкидлаш лозимки, у вилоят комсомол қўмитасининг ҳисобот давридаги энг муҳим воқеаларини қамраб олган пленум эди. Унда ёшларнинг дард-ташвишлари, тинчлик бермаётган масалалар ўз аксини топганди. Ҳали-ҳануз ёдимизда, ўшанда пленум минбаридан айтилган муҳим масалалардан бири ҳозир ҳам бизни ўйлантираверади.

— Ноқоратупроққа ҳар йили кампаниявозлик учун йигитларни жўнатиш шартми? Кўнгилли бўлса-ку, майли, лекин уларни «зўрлаб» жўнатиш кимга керак? Ундан кўра, жумҳуриятимизда зарбдор қурилишлар уюштирсак фойдали эмасми?

Бу вилоят комсомол ташкилоти мафкура бўлими мудири С. Пайғамовнинг сўзлари. Агар масалага жиддий ёндашадиган бўлсак, айтилган аччиқ гаплар ҳақиқатга яқин эмасми? Кўплаб комсомол ташкилотлари «юзни ёруғ» қилиш учун турли алдовлар билан ёшларни олис ўлкаларга юборишмаяптими? Хўш, бўйнидан «боғлаб» юборилган «кўнгиллилар» ўзга юртда муқим ишлаб қолишаяптими? Ҳисобот даврида 1100 нафар комсомол ёш Бутуниттифоқ комсомол зарбдор қурилишларига юборилди. Шундан 400 нафари шароитга мослаша олмай, ортга қайтди. «Қочоқлар»га кетган харажат кимнинг зиммасига тушади?

Вилоятда ўн минглаб ишсиз ёшлар бор. Уларни ишга жойлаштириш ҳамон энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Фаолият кўрсатаётган «Ёшларнинг кўнгилли меҳнат бирлашмалари» вилоят ва шаҳар штабида 641 йигит-қиз, шунингдек, ноҳиялардаги штабларда ҳам кўплаб ёшлар ишга жойлаштирилаяпти. Аммо буларнинг ҳаммаси шу қадар озки, денгиздан томчи, холос. Жойларда жумҳуриятимиз партия ва ҳукумати томонидан кўрилган чора-тадбирлар — саноат корхоналари қурилишини жадаллаштириши лозим. Чунки муаммо тобора тиғизлашиб бораётир.

Вилоят комсомол қўмитасининг биринчи котиби А. Арзиматовнинг ҳисобот маърузаси бир неча кун аввал вилоят рўзномаларида эълон қилинди. Жойларда муҳокама этилди. Конференцияда ана шу муҳокамалар юзасидан ахборотлар тингланди. Таъкидлаш кераккки, у ҳажман маърузадан қолишмади. Йиғилганлар ахборотни тинглашди-ю, ундаги қайд этилган сўзлар нақадар ҳаётга яқинлиги тўғрисида фикр билдиришмади. Тўғрироғи, лоқайд тингладилар. Эътибор беринг-а, унда шундай гаплар бор эди: «ВЛКСМ 70 йиллигига бағишлаб ўтказилган ёшларнинг эстафета фестивали нафақат қўшни вилоятлар, қўшни жумҳурият ёшларида ҳам катта қизиқиш уйғотди. Ҳамма босқичда 50 мингдан зиёд ёш, 20 миллат вакиллари қатнашдилар. Айниқса сўнгги, Ҳамзаободда ўтказилган йиғинда ёшлар «Танга ташласанг, ерга тушмайди» деганларидек, гавжум бўлди. Аммо ҳеч ким бир-бирига халақит бермади».

Наҳотки, шундай бўлган бўлса? Фестивалнинг катта қизиқиш билан ўтганлиги рост. Аммо унинг сўнгги йиғини — Шоҳимардондаги фестиваль кўплаб эътирозларга сабаб бўлмадими? Вилоят комсомол ташкилоти «кўрпага қараб оёқ узатмаганлигини» амалда намойиш қилиб қўйди-ку. Фестиваль тадбирлари Шоҳимардондаги зиёратга, дам олишга келган кишиларнинг ниҳоятда кўплиги туфайли издан чиқди. Қўшни Андижон, Наманган вилоятининг фестивалга таклиф қилинган вакиллари жойлашгани ётоқ тополмай хуноблари ошди. Озиқ-овқат масаласидаги қийинчиликлар, томоша, кўнгилочар тадбирлардаги ур-сурлар фестивалга таклиф қилинганларнинг фиғонини фалакка чиқаргани, улар редакцияга шикоят билан мурожаат қилганликлари бор гап. Ортиқча дабдаба, обрў орттириш учун уриниш керакмиди? Биз делегатларнинг ана шундай ўринли эътирозларини кутгандик. Улар эса котибнинг баландпарвоз сўзларига маҳлиё бўлиб қолишди.

Экологик муаммо ҳам делегатларни ташвишга солмади. Ҳамма нарса рисоладагидек, лом-мим демадилар. Ҳолбуки, Фарғона, Қўқон, Марғилон, Кувасой шаҳарлари, Тошлоқ ноҳиясида экологик мувозанатнинг бузилаётгани, ҳатто ичимлик сувлари ҳам талабга жавоб бермаётгани айни ҳақиқат-ку. Аҳоли ўртасида турли касалликларга чалиниш ниҳоятда кўп. Болалар ўлими юқори. Бир ой муқаддам Қўқон шаҳрида норасмий ташкилот вакиллари йиғилдилар. Улар эътирозларга сабаб бўлаётган масалалар қаторида экология муаммосига ҳам жавоб излашганди. Яна шуниси муҳимки, улар ҳаракат дастури ҳам ишлаб чиққандилар. Комсомол фаоллари эса ўта долзарб масала юзасидан чора-тадбир, аниқ иш режалари белгилаб олишни ўйламадилар. Бу борада биринчи котиб шундай жавоб қилди:

— Экология масаласида, — таъкидлади у, — турли ташкилотлар остонасида туртиниб юришларимиз фойда бермади. Шундан сўнг бошқачароқ йўл тутдик. Вилоят Советидаги 400 нафар депутатдан 90 нафари комсомол аъзолари ҳисобланади. Вилоят ёш депутатлар семинарини ўтказишга уриндик. Бунга эришдик ҳам. Аммо депутатлар орасида комсомол группасини туза олмадик. Уставдан ташқари комсомол ташкилоти ташкил этишга уриндик. Бўлмади. Агар ишимиз юришганда, комсомол депутатлари бизнинг пленум ва йиғилишларимизда қатнашишга, ҳисоб беришга мажбур бўлардилар. Ёшлар муаммоларини эса сессия кун тартибларига олиб чиқардилар.

Шундай қилиб, экология комсомол учун энг оғир иш жабҳаларидан бирига айланди. Аммо амалий ҳаракат суст бормоқда. Норасмий ташкилот ва уюшмалар масаласи-чи? Улар муаммолар тўпланган нуқтада тузилаяпти, деган гап ҳақиқат. Улар орасида комсомол-ёшларнинг катта гуруҳи ҳам борлигини инкор этиб бўлмайди. «Норасмий»лар ўткир, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни кўтариб чиқишса-ю, комсомол унга эътиборсизлик қилса.

«Қиш бошланиши билан биз, пахтакорлар ўйланиб қоламиз. Эрта баҳоргача нима қилиш керак? Чунки қиладиган иш йўқ. Агар йиллик даромадимиз яхши бўлса-ку, бир нави. Ҳеч вақо йўқ бўлса-чи? Бекорчилик, қашшоқлик биз ёш деҳқонларни қийнаб юборди».

Бу сўзларни «Ўзбекистон» ноҳиясидаги Ғ. Ғулом номидаги совхоз ишчиси Собир Азимов айтаётганда, ҳар бир делегат унинг ўрнига ўзини қўйиб кўрган бўлса керак. Улар ёш деҳқон минбардан туриб пул сўрамаётгани, ночор аҳволидан шикоят қилмаётгани, аксинча йўқчиликдан чиқиш чорасини қидириш учун биргаликда маслаҳатлашиш лозимлигига чақираётганлигини ҳис қилдилар.

Қишлоқ деҳқонининг бугунги аҳволи оғир. Тўғри, оз бўлса-да, эндиликда экин эккани томорқа берилаяпти. Аммо бу билан иш битмайди. Дастурхонимиз тўкин бўлиши учун унинг ноз-неъмат яратишига эркин шароит вужудга келтиришимиз керак.

— Ўзимиз ночормиз-у, пулни беаёв сарфлаймиз, — куюнди Қўқон медицина техникуми ўқитувчиси Ўткир Мамараззоқов. — Гапнинг индаллоси-техникумимизни битираётган ёшларнинг жуда кўп қисми ишсиз юришибди. Мутахассислик бўйича иш топа олишмаяпти.

Конференцияда айтилмаган — механизаторлик, шофёрлик, механиклик ва ҳоказо, ҳоказо курсларни битирган ёшларчи? Давлат маблағини ҳомталаш қилиш эмасми бу. Мутахассислик учун сарф қилинаётган минглаб, миллионлаб пуллар кўкка совурилмаяптими? Биз пул сарф қилиб диплом билан ишсизларни етиштиряпмиз. Қачон ҳотамтойликка чек қўйилади? Қачон планни эмас, ҳаётий ҳақиқатни ўйлаб иш тутамиз?! Саволлар туғилаверади. Жавоб йўқ.

— Деҳқончиликда ижара пудратининг жорий этилиши, — сўзлади вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Турдиали Қурбонов, — ўқувчилар пешонасининг шўри бўлди. Ота-оналар истаган пайтларида болаларни кетмон чопишга мажбур қилишяпти. Комсомол эса бу ҳолга томошабин бўлиб турибди.

Болалар ёшлигидан қўлига кетмон эмас, китоб ушласин. Биз вилоятдаги мактаблар учун 500 та компьютер олиб келдик. Энди уларни ўқувчилар ихтиёрига бермоқчимиз.

— Сиз комсомолга айб қўйяпсизу, — эътироз билдирди Марғилон шаҳридаги «Атлас» ишлаб чиқариш бирлашмаси комсомол етакчиси Ҳосил Йўлдошев, — бир нарсани унутиб қўясиз. Томи босиб қолай деб турган мактаблардаги ўқувчилар кўнглига компьютер сиғдими?

«Мен фарзандларимизни «босмачилар», «каллакесарлар» деб номланишига чидай олмайман». Кўксини орден ва медаллар тўлдирган отахон конференцияда ана шундай деди.

— «Огонёк»нику қўя турайлик, «Комсомольская жизнь» ҳам ёшларимиз шаънига яна бир туҳмат ўйлаб чиқарди. Оломонга қўшилган ёшларнинг ҳар бирига қандайдир гуруҳдагилар 5 минг сўмдан пул берган, эмиш, — таъкидлади Қўқон педагогика институти комсомол ташкилоти котиби Илёс Қодиров, — қачонгача бошимизга маломат тошлари ёғилади?..

Халқимиз шаънига марказий матбуот томонидан воқеани чуқур таҳлил қилмай берилаётган мақолалар ҳақли эътирозларни туғдирмоқда. Қолаверса, Фарғона ва Қўқон шаҳарларида давом этаётган комендантлик соати маҳаллий аҳолида турли норозиликларни келтириб чиқараётир. Ҳарбийларнинг халқимиз урф-одатлари, маросимларини яхши билмасликлари туфайли жуда катта хатоликларга йўл қўйилмоқда. Ҳали ҳанузгача улар маҳаллий аҳолига ишончсизлик билан қарамоқдалар.

— Комсомоллар, — таклиф қилди Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Қўмитасининг биринчи котиби А. Носиров, — энг оғир кунларда ҳам Фарғонада жамоат тартибини сақлашда фаоллик кўрсатдилар. Шундай экан ҳарбийлар бажараётган вазифани комсомол-ёшлар ўз қўлларига олсалар-чи? Улар халқ осойишталигини таъминлай олмайдиларми?

Конференция делегатлари таклифни қарсаклар билан маъқулладилар. Галдаги вазифа ана шу таклифни амалга оширишда. Ахир аҳвол шундай давом этаверса, «қош қўяман деб, кўз чиқариш» ҳеч гап эмас.

Фарғона водийси вилоятларида 70 мингдан зиёд ишсиз ёш бор. Суви-сувига, ери-ерига туташ қўшни вилоят аҳли ана шу муаммога биргаликда ечим топсалар, ғоят мақбул иш бўлур эди. Бу борада наманганлик ёшларнинг вилоят комсомол ташкилотлари қўшма пленумини ўтказиш ҳақидаги таклифи ғоят муҳимдир. Делегатлар ана шу маслаҳатли ишга якдил қўшилдилар.

Изланиш бўлмаган жойда иш олдинга силжимайди. Вилоятда 600 дан зиёд комсомол ўқуви мактаби бор эди. Фаоллар мактаблар фаолиятини ўрганиб чиқишди. Аҳвол ачинарли. Уларнинг аксарияти номигагина ишлаяпти. Ўқув режалари хўжакўрсинга тузилган. Шунинг учун вилоят комсомол қўмитаси аввалги йили 300 дан зиёд комсомол мактабини тугатишни лозим кўрди. Ўтган йили яна текширув ўтказилди. Аҳвол бирмунча жонланган бўлса-да, уларнинг 40 тасида эски руҳ ҳукм сурарди. Қўмита қатъийлик кўрсатди. Уларнинг баҳридан кечди. Фаолият кўрсатаётганлари учун янги ўқув программаси ишлаб чиқилди. Эндиликда ёшлар ўзларини қийнаб келаётган муаммолар юзасидан мусобақа қилиш учун бормоқдалар.

Комсомол ташкилотининг яна бир ютуғи. Вилоят ёшлари учун «Коммуна» ва «Ферганская правда» рўзномаларидан ҳар ойда икки марта махсус сон чиқаришга эришди. Конференцияга унинг дастлабки сони тақдим этилди. Ёшлар юрагида дард кўп. Улар ташвишларини айтмоқ учун раҳбарларнинг «берк» эшикларини оча олмаяптилар. Энди улар ўз газеталари орқали мутасаддиларга талабларини қўйиш имкониятларига эга бўлдилар.

Фарғона вилояти комсомол қўмитаси ҳисобот даврида ёшлардан 125 та хат олди. 1989 йилда бор йўғи 28 нафар комсомол мактуб билан мурожаат қилди.

Ёшлар режалари... таклифлар ва истаклар... муаммолар. Уларнинг ҳаммаси комсомол ташкилотининг келгусида қилинадиган ишлар кўламини белгилайди. Шубҳасиз, масалаларга ечим топиш учун уриниш, изланиш бўлиши табиий. Аммо ўз ишини тамомлаган конференциядаги таклифлар навбатдаги конференцияда «янги» таклиф бўлиб қайд этилмаслиги керак. Қани энди шундай бўлса.

Жаббор РАЗЗОҚОВ,
Фозилжон ШОДМОН,
«Ёш ленинчи» мухбирлари.



Конференция залида.

Суратқаш А. Мирзажонов.

ДАДИЛЛИКНИ ЎЗИМИЗДАН БОШЛАЙЛИК

Фарғона вилоят комсомол конференцияси давом этарди. Ҳисобот маърузаси юзасидан музокараларда дастлабки сўзга чиқаётганлар ҳали эски қолипдан чиқа олмай, ибратли бирор-бир фикр билдиришмаётганди. Шу пайт ўрта бўйли бир йигит сўз сўраб қолди. Йиғилиш раиси уни «Ҳозир сўз Кува ноҳияси комсомол қўмитасининг иккинчи котиби Хабибулло Жабборовга берилади» деди. Ҳамма мунозара аввалгидек давом этади, деб ўйлаганди. Лекин у бошқача сўзлади. Биз унинг сўзини ихчамлаштириб эълон қилишга қарор қилдик.

— Мамлакатимизда туб сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар бошланганига яқинда беш йил бўлади, — деб сўз бошлади Хабибулло. — Ўтган давр ичида комсомол ҳаётида ҳам муҳим ўзгаришлар бўлиб ўтганлигини эътироф этиш ўринлидир. Шундай бўлса-да, бугунги кун ёшлари олдида бизга қандай ёшлар ташкилоти керак, деган ўринли савол турибди. Ёшларга эса ўзининг келажаги учун қайғурадиган, курашадиган янгича услубдаги ёшлар ташкилоти керак, деб ҳисоблайман. У қандай ном билан аталишидан қатъи назар бугунги ишлар билан ўралашиб қолмаслиги лозим. Демак, Иттифоқимиз фаолиятини тубдан қайта қуриш жуда муҳимдир. Мамлакат сиёсати ва иқтисодиёти инқирозга учраган даврда ёшлар ўз ташкилотининг йўлини мустаҳкам белгилаб олишлари ва бу йўналиш ҳам сиёсатда, ҳам иқтисодиётда ўз аксини топиши керак. Шу кунларда комсомолнинг фаолиятини жонлантириш учун янги Устав лойиҳаси муҳокама қилинмоқда, навбатдаги XXI съездга тайёргарлик кўрилмоқда. Шу мақсадда мен ҳам ўз фикрларимни билдирмоқчиман.

— ВЛКСМ ижтимоий-сиёсий ташкилот экан, унга аъзо бўлиш 14 ёшдан эмас, 16 ёшдан қилиб белгиланиши керак. Чунки 7-8 синф ўқувчиси ҳали тўла шаклланиб улгурмаган бўлади.

— Юқори комсомол органлари котиблигига фақат КПСС аъзоларидан сайланишининг ўзи ВЛКСМ аъзосининг сайланиш ҳуқуқини чегаралашдан бошқа нарса эмас, деб ўйлайман.

— Юқори комсомол органлари қарорлари қуйи органлар маъқуллагандан сўнг кучга кириши керак.

— Вилоят, жумҳурият, Иттифоқ комсомоли мукофотлари берилади. Мен шахсан шундай мукофотлар берилишига қаршиман. Агар мукофот берилса унинг обрўйини ошириш керак. Мукофот беришни эса конференция ёки съезд ҳал этсин.

Икки оғиз сўз комсомол аъзолик бадаллари ҳақида. Юқори комсомол органлари ходимларининг аксарияти КПСС аъзоларидир. Улар бир вақтнинг ўзида ВЛКСМ аъзоси ҳисобланадилар. Улар аъзолик бадалларини фақат КПСС-га аъзолиги учун тўлайдилар. Нима учун комсомол етакчиси уюшма аъзосининг барча ҳуқуқларидан фойдаланган ҳолда, битта энг муҳим бурчини бажаришдан озод этилиши керак экан? Улар комсомол учун аъзолик бадалларини тўлашлари керак. Агар, бир тарафлама тўлаш лозим бўлса, КПСС Уставига «Юқори комсомол органида ишлаётган КПСС аъзолари бир вақтнинг ўзида ВЛКСМ аъзоси ҳам бўлганликлари учун КПССга аъзолик бадаллари тўлашдан озод қилинадилар», деган таклифни КПССнинг навбатдаги съездига тақдим этишни лозим, деб ўйлаган.

Комсомол мафкуравий фаолиятини тубдан ўзгартириш даври келди. Айниқса, ноҳияларда бу соҳада олиб борилаётган ишлар талаб даражасида эмас. Ноҳия комсомол қўмиталарида мафкура, жисмоний тарбия ва спорт, маданий дам олиш ишлари билан атиги бир ходим шуғулланади, холос. Аслини олганда мафкуравий иш билан бутун бир аппарат шуғулланиши керак.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси сиёсат билан шуғулланувчи, сиёсатни белгилашда фаол қатнашиши лозим. Чунки сиёсат эртамизни белгилайди, эрта эса биз ёшларники. Шундай экан, ҳар бир ёш ўзининг ва тенгдошининг эртаси учун қайғуриши керак. Шу вақтгача биз сиёсат билан шуғулланишдан қўрқиб келдик. Бу эса комсомолларнинг фаоллигини жуда ҳам пастга тушириб юборди. Йигит ва қизлар ўта кетган сусткаш, воқеаларга лоқайд бўлиб қолдилар. Шунинг оқибатида комсомол ўзининг мавқеини бериб қўйди. Энди эса дадилликсиз бирор бир ютуққа эришиб бўлмайди.

Менимча, қайта қуриш — ёшлар амалга оширадиган инқилобдир!

САХИЙЛИК — ИНСОН ФАЗИЛАТИ

Бу йил Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти Оролбўйи болаларини бепул овқатлантириш учун жуда катта пул юборди. ЎзТАГ мухбири С. ДРАЧЕВ республика жамияти правлениесининг раиси О. Т. ВОҲИДОВАдан мазкур жамоат ташкилотининг меҳр-мурувват борасидаги ишлари тўғрисида сўзлаб беришни илтимос қилди.

— Қадим-қадимдан яқин ёру биродарларингга ёрдам бериш сахийликнинг энг олий кўриниши бўлиб келган. Биз минглаб кўнгилли ёрдамчиларимиз — жамият аъзоларидан ҳам, унга расман аъзо бўлмаган фаолларимиздан ҳам вазифамизни бажаришда бераётган ёрдамлари учун миннатдормиз.

Бугунги кунда Орол муаммосига ҳеч ким бефарқ қараётгани йўқ. Биз республикамиздаги ва мамлакатимиздаги бошқа жамоат ташкилотлари билан бирга мазкур регионддаги экологик ва тиббий аҳволни яхшилаш юзасидан жуда катта программа ишлаб чиқиб, амалга оширяпмиз. Оролбўйи болалари ва хотин-қизлари учун соғломлаштириш маркази бунёд этишда шерикчилик асосида қатнашиш мақсадида юз минг сўм пул ажратилди, бошқа тадбирларга ҳам бир неча ўн минг сўм сарфланди.

Республикамиз и и н г ёрдамга ва қўллаб-қувватлашга муҳтож бошқа аҳолисига ҳам эътибор беряпмиз. Бундан бир йилдан сал кўпроқ илгари меҳр-мурувват махсус хизмати ташкил этилганди, ҳозир унда 1500 нафар раҳмшафқат ҳамширалари ишламоқда. Улар минглаб кексайган кишиларга, уруш ногиронларига, меҳнат ветеранларига, байналмилалчи жангчиларга тиббий хизматни ва беморларни парвариш қилиш ишларини ташкил этишда, маиший масалаларни ҳал этишда беғараз ёрдам бермоқдалар.

Жамиятимиз кам нафақа оладиган пенсионерлар ва ногиронларга, ҳалок бўлган байналмилал жангчиларнинг оилаларига моддий ёрдам ҳам кўрсатмоқда. Бешта медицина олий ўқув юртида ва республикамизнинг 38 та медицина билим юртида етим болалар ва афғонистонлик собиқ жангчилар учун жамият стипендияси таъсис этилган. Мамлакатимиз турли регионларининг табиий офатлар, фалокатларга йўлиққан аҳолисига ҳам ёрдам берилмоқда.

— Маблағларни қаердан оляпсиз?

— Улар аъзолик бадаллари ҳамда аҳолидан, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар коллективларидан кўнгилли равишда тушаётган хайр-эҳсонлардан ташкил топади. Ҳар бир киши бизнинг сафимизга қўшилиши мумкин. Қизил ярим ой жамиятининг уй-жой-ижтимоий банки Киров ноҳияси бўлимида 000700378 ҳисоб счёти очилган.

КОСМОС — БОЛАЛАРГА

МОСКВА, 8 январь. (ТАСС мухбири А. ФИЛИППОВ). Бугун совет журналистлари — космосга парвоз қилишга номзодларнинг дастлабки тўртлиги СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг медицина-биология муаммолари институтида тиббий саралашнинг иккинчи босқичидан ўтмоқда. Бунга қадар 35 киши қатнашган конкурсда финалга чиққанлар гуруҳи амбулатория тиббий текширувидан ўтган эди. Космик стационарга марказий ва регионал оммавий ахборот воситаларининг вакиллари бўлган 22 нафар журналист олинди.

Даъвогарларни центрифуга ва барокамерада синаш, гавда ҳолатининг ўзгартирилиши организмга қандай таъсир қилишини текшириш, айланувчи курсининг инсон қаддини тутишига таъсирини тадқиқ этиш — медицина қаттиқ назорати программасига киритилган.

— Инсоннинг космик парвозга яроқлилиги тўғрисида тугал хулоса чиқариш учун космонавтларни танловчи врачларга камида уч ҳафта керак бўлади, — деди институт клиника бўлимининг катта илмий ходими Л. Филатова, — бунда бирорта босқичда салбий кўрсаткичлар аниқланмаслиги керак, албатта. Сўнгги даъвогарларни февраль ойининг охирида текширамиз. Синовдан ўтганлар шундан кейин тасдиқ учун асосий тиббий комиссияга тавсия этилади.

Биринчи журналистнинг «Мир» станциясига хайрия космик парвози «Космос — болаларга» шиори остида ўтказилишини эслатиб ўтамиз. Парвозга тайёргарлик мобайнида, парвоз давомида ва ундан кейин тушган барча маблағлар болалар соғлиғини сақлаш ва маориф эҳтиёжлари учун ишлатилади. Ҳозирнинг ўзидаёқ В. И. Ленин номли Совет болалар фондининг махсус 707101 (сўмларда) ва 70700001 (валютада) счётларига дастлабки маблағлар ўтказилди.



Сўнгги пайтларда Андижон шаҳридаги 5-ўрта мактабда таълим-тарбия ишларига алоҳида эътибор берилмоқда. Яқинда бу масканга Японияда ишлаб чиқарилган ўнта «Ямаха» — КУВТ-2 компьютерлари олиб келинди. Энди юқори синф ўқувчилари компьютерда ишлашни ҳам ўрганадилар.

СУРАТДА: информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари дарсида: ўқитувчи Людмила Хайдукова Умида Боқиевага компьютерда ишлаш сир-асрорларини ўргатмоқда.

Суратказш А. МИРЗАЖОНОВ.

Бизни ўйлантираётган муаммолар

ТУШОВЛАНГАН ТУЛПОРЛАР

Севимли шоиримиз Абдулла Ориповнинг «Ҳангома» шеъри қозоқларда ҳам машҳур бўлиб кетган. Шоир шеърлари ҳақида гап кетгудек бўлса, дарров ўша машҳур «Ҳангомани» эслашади.

— Жуда топиб ёзган-да, — деб қўйишади ҳангоматалаб биродарларимиз.

Қизилқумлик Файзулла оғанинг ўтовида бўлганимизда бунга яна бир бор гувоҳ бўлганмиз.

— Мен бир воқеани айтиб берай, — деганди ўшанда Файзулла оға. — Бир йили қиш қаттиқ келди. Ҳафта давомида туман кўтарилмасди. Ушанда адашганман. Сўнг мен от жиловини қўйиб юборганман. От адашмай, ўтовни топиб келган. Қаранг-а, от ҳам ақлли жонивор. У билан қўй боқамиз, зарур ишимизни бажарамиз.

Яхши отларимиз бор эди. Ҳали айтганимдек, қиш қаттиқ келиб анча қўйимиз нобуд бўлди. Ушанда отларни гўштга топширганмиз. Улар камайиб кетгач, чўпонлар қийналиб қолишди. Ноилож совхоз от сотиб олишга мажбур бўлди. Мана, яна уларни кўпайтирамиз, деб юрибмиз. Лекин бир нарсадан кўнглим тўлмаяпти. Ҳар доим йилқичилик хўжаликка фойда келтирмаяпти, деган гапларни эшитаман. Хунобим ошади. Наҳотки, шунча мол, йилқи, туя бўла туриб, хўжалик зарар кўрса. Менимча, зарар отлардан эмас. Гап бошқа ёқда. Хўжаликларнинг харажати кўпайиб қолган. Бу ҳам етмагандай, совхоз директоридан тортиб, ферма мудиригача «служебний мошин» минади. Ҳамма айб шунда. Ҳали техника, ҳали ёқилғи харажати дегандай, совхознинг кассасидан пул кетиб ётибди.

Ташқарида машина гуриллаши эшитилди.

— Сув мошин келди, — дея ўрнидан турди уй эгаси.

Биз «Мингбулоқ» совхозининг бош чўпони Файзулла Қўнғиров билан хайрлашиб, йўловчи машина билан яна йўлга тушдик. Асфальтгача ҳали анча бор. Лекин бир-бирига туташиб кетган йўлнинг қаёққа олиб боришини билмайсиз. Бу ерга биринчи марта келган киши адашиб кетиши ҳеч гап эмас.

— Чўлда ҳам машина кўпайиб қолган, — дейди шофёр йигит бунинг сабабини тушунтириб. — Енгил машина билан қўй боқадиган чўпонларимиз ҳам бор. Техника асри-да.

Ҳозир тадбиркор хўжаликларда дала юмушлари от-арава орқали бажарилиши кўпчиликка сир эмас. Далаларга ўғит ташиш, сут-товар фермаларига ем-хашак келтириш, тайёр маҳсулотларни белгиланган жойга етказишда беминнат от-арава қўл келаётганидан кўз юммаслигимиз керак. Отлар, айниқса, тракторлар ва бошқа қишлоқ хўжалик механизми билан бажарилишининг иложи бўлмаган кичик участкаларда, тоғ ёнбағирларида асқотмоқда. Кейинги пайтларда Учқудуқ ва Томди ноҳиялари хўжаликларида автотранспорт хизматига сарфланаётган харажатлар ошиб бормоқда. Нега? Бунинг сабаби оддий. Қизилқумда отарлар ўртасидаги масофа 100-200 километрни ташкил этади. Чорва моллари учун ем-хашак қўшни вилоятлар территориясида тайёрланади. Бундан ташқари, бир йил бурун марказий телевидениеда Россия ва Украина хўжаликларида отдан трактор ўрнида унумли фойдаланаётганлиги ҳақида бир неча марта ҳикоя қилинганди. Бу ҳақда жумҳуриятимиз матбуотида ҳам қатор мақолалар босилди. Ўша матбуот чиқишларидан кейин жамоатчилик жиддий ўзгаришлар кутганди. Бироқ бунинг акси бўлди. Таниқли журналистларимиздан бири эътироф этганидек: «Отлар ҳамон қувғинда».

Учқудуқ ноҳиясидаги «Кўкпатас» совхозининг ташкил топиши асосан туячиликка ва отчиликка асосланганди. Айни бир пайтнинг ўзида 11 мингдан зиёд қўй-қўзилар ҳам боқиларди. Совхозда жами 1265 от, 2767 туя мавжуд эди. Лекин шунга қарамай, барибир хўжалик давлатдан қарздор бўлиб қоларди. Нега?

— Табиий шароит қийинлашмоқда, — дейишди бизга ноҳия агросаноат бирлашмаси ходимлари. —

— Техника харажатини қоплай олмаяпмиз, — дея вазиятни юмшатишга ўтишганди совхоз раҳбарлари.

Аслида вазият қандай?

Биз хўжалик экономикаси билан танишганимизда, кўп масалалар ойдинлашди. Кейинги йилларда совхоз ем-хашак тайёрлаш ва уни ташиб келтиришга жуда кўп маблағ сарфламоқда. Бир мисол. Бир тонна хашак тайёрлаш учун совхоз ҳар йили 18-24 сўм харж қилмоқда. Ем-хашакнинг асосий қисми Қорақалпоғистон АССР ҳамда Бухоро вилоятининг Газли массивида тайёрланиб, ташиб келтирилди.

Хўш, аҳвол қачонгача шундай бўлади? Наҳотки, қолоқликдан чиқишнинг иложи бўлмаса?

— Бунинг битта йўли бор. Артезиан қудуқларни кўпайтириш керак. Чучук сув муаммоси тезроқ ҳал этилса, биз харажатлардан қутиламиз. Яйловларимизнинг ҳаммаси эмас, муайян қисми сув билан таъмин этилса, ҳеч қандай харажатга ўрин қолмайди, — дейишмоқда хўжалик раҳбарлари.

Қизилқумда бу масала йигирма йилдан бери кун тартибида турибди. Сув муаммосини ҳал этиш билан шуғулланувчи ташкилотлар бир неча марта бу масалани ижобий ҳал этишга уриниб кўрдилар. Аммо натижа чиқмади.

Ҳозир Қизилқумда йилқичиликни ривожлантиришга нималар тўсиқ бўлмоқда? Биринчидан, отлар учун ем-хашак базасини вужудга келтириш зарур. Сув чиқариш йўли билан айрим хўжаликларда бедачилик барпо этиш мумкин. Иккинчидан эса отлар учун қўра-қўтонлар йўқ. Яна бир томони йилқичиликда наслчилик ишлари яхши йўлга қўйилмаган. Ҳолбуки, жумҳуриятимизда бу борада ибратли ишлар қилинаяпти. Хусусан, Сирдарё вилоятида жумҳуриятимизга ва мамлакатга энг яхши отлар етказиб берилмоқда. Бироқ, йилқичиликка эътибор ҳамон кам. Ҳатто айрим хўжалик раҳбарлари йилқичиликдан даромад яхши эмас, планларга йилқиларни кўпайтириш киритилмасин, деган таклифларни айтишмоқда. Гап фақат даромаддами? Аслида эса отчилик энг сердаромад тармоқлардан бири. Бу соҳада жон куйдириб ишловчилар кўп.

— Отларни кўпайтириш керак, қимиз кўп бўлади, — дейди отбоқар Т. Муротбоев.

— Қўй боқишда от қанчалик асқотишини айтмайсизми? — дейди Б. Жетмесбоев.

— Қозоқларнинг «Қиз қувди» деган ўйини бўларди. Энди ўйинларимизга от тополмай овора бўламиз, — дейишади хўжалик меҳнаткашлари.

Биялардан тайёрланаётган қимизга эҳтиёж катта. Бироқ биялар тўғри келган жойда соғиляпти. Сут заводлари маҳсулотни реализация қилишда қатор камчиликларга дуч келишмоқда. Қимиз медицинада аллақачон шифобахш ичимлик, деб тан олинган. Бироқ соғлиқни сақлаш муассасаларидан камдан-кам талабнома тушмоқда. Учқудуқ ноҳиясидаги аксарият хўжаликларда йилқичилик бригадалари бор. Бу бригадаларда отлар асосан, хўжаликнинг эҳтиёжи учун боқилмоқда. Қари отлар эса гўштга топширилаяпти. Наслли отлар қўшни ноҳияларга 800-850 сўм атрофида сотиляпти. Хўш, бу даромад эмасми? Учқудуқ ноҳияси хўжаликларида йилқичиликни ривожлантириш керакми ёки йўқми, деган масала ҳар йили кун тартибига қўйилмоқда. Кимдир керак, дейди. Бошқа бировлар йилқичилик кони зарар, деган фикрни айтади.

«Маданият» совхози КПСС Марказий Комитетининг ўша машҳур 1982 йил май Пленумидан кейин ташкил этилганди. Совхоз, аввал бошда, йилқичилик ва туячиликка ихтисослаштирилди. Конимех ноҳиясидаги «Октябрь 40 йиллиги» совхозининг 1-фермаси базасида ташкил топган бу янги хўжаликка «Партия XXV съезди», «Коммунизм», «Шофиркон», «Конимех», ва «Октябрь 40 йиллиги» совхозларининг барча йилқи ва туялари олиб берилди. Дастлаб қулунлаган бияларнинг, бўталоқлаган туяларнинг сутини соғиб олишга кўниктириш осон бўлмади. Чунки биялар ва туялар ҳаддан ташқари, асовлашиб кетганди. Лекин янги хўжаликнинг чорвадорлари тиришқоқлик билан меҳнат қилишди. Тез орада сут берадиган биялар ва туяларни соғишга кўниктириб олдилар. 1984 йили совхозда 25 тонна қимиз ва шубат тайёрланди. Бу рақам кейинги пайтларда 60 тоннагача кўпайди. Совхоз раҳбарлари совхозда сут заводини очиш тўғрисида тегишли министрликларга хатлар юборишди. Ўшанда собиқ республика гўшт ва сут саноати министрлиги раҳбарлари «Маданият» совхозида соғиб олинаётган бия ва туя сути миқдори бу маҳсулотларни саноат усулида қайта ишлаш учун етарли эмас, деб топдилар. Уларнинг фикрича, сутни қайта ишлайдиган технологияга эга бўлмоқ учун совхозда тўрт минг тонна сут тайёрланиши талаб этилар экан. Сут саноати корхоналарида ишлаб турган технологик ва умумзавод қурилмалари камида соатига бир тонна сут маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган. «Маданият» совхозида соғиб олинаётган сут миқдори камлиги туфайли хўжаликни юксак унумли мосламалар билан қуроллантириш иқтисодий самара бермайди. Шундай қилиб, яхши ният билан бошланган хайрли ташаббус амалда қўллаб-қувватланмади.

1987 йили бюрократизм ва бошқарув аппаратини қисқартириш учун бошланган кураш «Маданият» совхозини ҳам четлаб ўтмади. Ўша йилнинг куз ойида «Маданият» совхози камқувват хўжалик сифатида тугатилди...

1986 йили қаттиқ қурғоқчилик келди. Учқудуқ, Томди, Конимех ноҳияларида кўплаб қўй-қўзилар нобуд бўлди. Натижада хўжаликларнинг гўшт планлари бажарилмай қолди. Аммо юқори ташкилотлар Қизилқумда вужудга келган ғоят оғир табиий аҳвол билан ҳисоблашмай хўжаликлардан гўшт планларини талаб қила бошладилар. Қизилқумда қорамол йўқ. Унинг ўрнига отлар ва туялар гўшт комбинатларига жўнатилди. Гўшт топшириш плани ошиб-тошиб кетди. Қолган-қутган от ва туялар бошқа хўжаликлар ихтиёрига ўтказиб юборилди. Ўшанда Навоий шаҳрида қимиз ва шубат билан савдо қилувчи дўконлар очилганди. Йилқичилик ва туячиликка ихтисослашган хўжаликлар тугатилгач, қимиз ва шубат билан савдо қилувчи дўконлар ҳам ёпилди. Бу партиямизнинг иқтисодий сиёсатни такомиллаштириш тўғрисидаги Пленумига «амалий» жавоб бўлди. Маҳаллий раҳбарлар орасида салла деса каллани олиб келувчи кимсалар ҳали ҳам истаганча топилади. Лекин улар ўзларига сув ҳам юқтирмай:

— Партиямизнинг талаби шундай, — деб туришаверади.

Нега маҳаллий раҳбарлар бунчалик йилқичиликни ёмон кўриб қолишди? Мутахассислар қўйчиликка нисбатан йилқичилик бир неча ўн марта фойда келтиришини аллақачон исботлаб беришган. Агар 450-500 бош қўйни боқиш учун ҳар йили 20-22 минг сўм сарфланса, 1500 бош отни парвариш қилиш учун 1,5-2 минг сўм сарфланади. 1 центнер от гўшти етиштириш учун 60-70 сўм сарфланади.

Қўзилатиш чоғида чўпон отарларига 3-4 тадан соқмончи ажратилади. Қўзиларни онасига ўргатиш учун яна бир киши овора бўлади. Биялар қулунлаётганда бунчалик ташвиш келтирмайди. Туғилган тойчоқ орадан 15-20 минут ўтиши билан юра бошлайди. Ярим соат ичида онасини бемалол эмаверади. 2-3 соат ичида чопиб кетаверади. Кўриниб турибдики, бу ерда отбоқарга деярли юмуш қолмайди.

Йилқичиликни бекордан бекорга зарарли соҳа, деб баҳолаган кишилар буни яхши билишади. Чунки агросаноат комитети раҳбарлари хўжаликларни асосан қўйчиликка ихтисослаштириш, қоракўлчиликка бошқа соҳаларни аралаштирмасликка зўр бермоқдалар.

...Ўшанда сайлов олди йиғилиши бўлаётганди. Минбарда Томди ноҳиясидаги Болиманов номли совхоз бош чўпони Марат Айимбетов ўзининг сайлов олди программасини баён қиларди:

— Йилқичилик ва туячиликни энг сердаромад соҳага айлантириш учун курашаман...

Залда қарсаклар янгради.

Бу бўлғуси депутатни янада илҳомлантирди.

— Агар мен СССР халқ депутати бўлиб қолсам, Томди, Учқудуқ ва Конимех ноҳиялари марказида, Навоий, Зарафшон шаҳарларида қимиз ва шубат етказиб берувчи сут заводларини очишга эришаман.

Яна қарсаклар...

М. Айимбетовдан кейин бошқа номзодлар ҳам ўз сўзларини «Агар мен депутат бўлсам...» деб бошлашиб, улар ҳам туячилик ва йилқичиликни ривожлантиришга, аҳолини қимиз ва шубат билан таъминлашга катта эътибор қаратажакларини айтиб ўтишди. Сайловчилар қимиз ва шубатга тўйгандай бўлишди.

Хуллас, сайлов ҳам бўлиб ўтди. Берилган ваъдалар ваъдалигича қолди.

Қизилқумда айни пайтда икки миллиондан ортиқ қўй-қўзи боқилмоқда. Маҳаллий раҳбарлар ҳар йили қўйчиликни ривожлантириш тўғрисида узундан узоқ план-тадбирлар белгилашади-ю, чорванинг бошқа турларига келганда қўл силкиб қўйишади. Шу сабабдан бўлса керак, ҳудудсиз Қизилқум кенгликлари йилқилар, туяларга торлик қилиб қолди.

Биргина Томди ноҳиясида салкам ярим миллион қўй-қўзи боқилмоқда. Шунингдек, ноҳия хўжаликларида 4223 бош от, 4233 бош туя парвариш қилиняпти. Ноҳияда эса бор-йўғи 30 минг аҳоли яшайди, болалар боғчалари етишмайди. Борлари ҳам талабга мутлақо жавоб бермайди

Биз ноҳиядаги Ленин номли совхоз территориясида бўлганимизда нонуштага ҳам, тушликка ҳам бир хил таом берилаётганини айтишди. Биз нега, деб савол бериб ўтирмадик. Бу ердаги аҳвол бизга таниш эди. Томдида сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштиришнинг имкони йўқ. Одамлар ичимлик сувига ёлчишмайди. Мактаблар, касалхоналарда ҳам аҳвол шундай. Болалар ҳам, беморлар ҳам нуқул гўштли таом истеъмол қилишга мажбур. Бўзчи белбоққа ёлчимайди, деганидек, бутун бошли ноҳияда сут етиштиришнинг имконияти йўқ. Яна қаерда? Чорвачилик ноҳиясида атиги 21 бош қорамол борлигига ишонмасангиз керак. 21 бош сигирдан соғиб олинадиган сут ноҳия марказидаги болалар боғчасини таъминлашга етмайди.

Қимизнинг инсон организми учун ғоят шифобахш эканлигини айтиб ўтирмасак ҳам бўлади. Бизда илгари давоси йўқ деб ҳисобланган сил касаллигини қимиз билан даволаганлар. Шундан кейин қимиз билан даволовчи санаторийлар ташкил этилган. Эндиликда табобат доимий равишда қимиз ичиб туриш хроник яраларни тузатиши, синган суякларнинг ўсишини тезлаштиришини аниқлаган.

Биз қизилқумлик йилқибоқарлар, мутахассислар билан суҳбатлашдик. Улар туячилик ва йилқичиликка ихтисослаштирилиб, сўнгра тугатиб юборилган Учқудуқ ноҳиясидаги «Кўкпатас», Томди ноҳиясидаги «Қизилқум», Конимех ноҳиясидаги «Маданият» совхозларини яна қайтадан тиклаш зарурлигини айтишди. Маҳаллий раҳбарлар ихтисослашган хўжаликларни қайтадан тиклаш масалаларини бир неча марта кўтаришди. Аммо, юқоридагилар оёқ тираб олишди: «орқага қайтиш йўқ». Лекин қизилқумликларнинг ниятлари шояд амалга ошса, йилқибоқарлар «бор отангга, бор онангга» деган маломатдан қутилардилар. Ушанда отлар ҳам, хўжаликлар ҳам, оёғига солинган тушовдан озод бўларди.

Маҳмуд МАРДИЕВ.
«Ёш ленинчи»нинг махсус мухбири.

Сўраган эдингиз

ИЖТИМОИЙ ИНФРАСТРУКТУРА НИМА?

Кейинги йилларда КПССнинг съездлари ва Пленумлари материалларида, илмий иқтисодий ва географик адабиётларда ҳамда матбуот саҳифаларида инфраструктура ҳақида, унинг халқ хўжалигининг ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришдаги, аҳолининг моддий ва маънавий фаровонлигини оширишдаги роли тўғрисида бир қанча фикрлар юритиляпти.

Инфраструктуранинг ўзи нима?

А. ҲАКИМОВ.
Самарқанд вилояти.

Инфраструктура (**инфра** — қуйи, паст; **структура** — тузилиш) лотинча сўз, дастлаб буржуа иқтисодчиларининг асарларида асримизнинг 40-йилларида қўлланган. У ҳарбий терминологиядан олинган бўлиб, ёрдамчи иншоотлар комплексини англатади. Инфраструктура терминини америкалик иқтисодчи олим, Массачусет технология институтининг профессори Н. Розенштейн-Родан 1955 йилда иқтисодий адабиётга олиб кирди.

Совет иқтисодий адабиётларида инфраструктура термини 1971 йилдан бошлаб ишлатила бошланди. Ўз иқтисодий мазмунига кўра, у ишлаб чиқаришда бевосита қатнашмайдиган, лекин моддий неъматлар ишлаб чиқариш жараёни ҳамда аҳолининг яшаш фаолияти учун бўлган барча зарур шарт-шароитларни яратиб берувчи халқ хўжалигининг ёрдамчи тармоқлари комплексидан иборатдир. Ўзининг тармоқлар таркибига кўра, инфраструктура асосан иккита катта гуруҳга, яъни ишлаб чиқариш ва социал инфраструктурага бўлинади. Биринчи гуруҳга моддий техника таъминоти ҳамда тайёрлаш корхоналари, транспорт ва алоқанинг ишлаб чиқаришга хизмат қилувчи барча турлари, электр қувватларининг манбалари, қувват узатиш линиялари, сув билан таъминлашнинг барча тармоқлари ва қурилиш корхоналари киради. Иккинчи гуруҳга уй-жой коммунал хўжаликлари, аҳолига тиббий ёрдам, маданий-маиший ва савдо хизматлари кўрсатиш корхоналари, маориф, таълим бериш системалари, аҳолига хизмат қилувчи транспорт ва алоқанинг барча турлари, санаторий, курорт, туристик экскурсия хизмати кўрсатиш бюролари хизмати ҳам киради. Биринчи гуруҳ тармоқлари бевосита моддий ишлаб чиқаришга хизмат қилса, иккинчи гуруҳ тармоқлари асосан аҳолининг яшаш фаолияти учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиб беради.

Социал инфраструктура тармоқлари таркибидан кўриниб турибдики, у аҳолининг яшаш фаолиятининг деярли барча томонларини ўз ичига олади. Унинг моддий ва маънавий фаровонлигини оширишда жуда муҳим роль ўйнайди.

Шунинг учун ҳам кейинги йилларда халқ хўжалигининг ушбу соҳасини ривожлантиришга катта эътибор берилляпти. КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил март Пленуми ҳамда СССР Министрлар Совети 5 апрелда қабул қилган «Қишлоқни социал ривожлантириш програмаси тўғрисида»ги қарори материалларида социал инфраструктура тармоқлари системасини ривожлантиришни жадаллаштириш тадбирлари белгилаб берилди.

Ўзбекистонда ўн иккинчи беш йилликнинг кейинги уч йили давомида социал инфраструктура тармоқлари бир мунча юқори суръатлар билан ўсди. Ўтган давр мобайнида республикада 19,5 млн. кв. м. уй-жой, 528,3 минг ўринли умумтаълим мактаблари, 152 минг ўринли болалар боғчалари, 15,2 минг ўринли даволаш муассасалари ва 1,3 мингдан ортиқ савдо ҳамда умумий овқатланиш корхоналари қурилиб, фойдаланишга топширилди ҳамда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг сони 1,3 марта кўпайиб, 26,1 мингтага етди.

Юқорида келтирилган рақамлардан кўриниб турибдики, Ўзбекистонда кейинги йилларда аҳолининг моддий ва маънавий фаровонлигини оширишда бир қанча тадбирлар амалга оширилган. Лекин аҳолини уй-жой билан таъминлаш, маданий-маиший, соғлиқни сақлаш ва савдо хизмати кўрсатиш, мактаб ёшигача бўлган болаларни боғчалар билан таъминлаш бўйича жумҳуриятимиз умумиттифоқ кўрсаткичларидан анча паст даражада.

Б. УМАРАЛИЕВ,
иқтисод фанлари номзоди.

ҲОСИЛ БАЙРАМИ

Фарғона вилоятида деҳқонларнинг ҳосил байрами жуда кўнгилли ўтди. Шивалаб ёғаётган ёмғир ҳам, кейинчалик капалакдек ўйнаб ерга тўшалган оппоқ қор ҳам байрамга келган кишиларнинг кайфиятини бузаолмади. Шанба куни вилоят марказининг отчопарида ўтказилган байрам деҳқонларнинг хотирасида узоқ сақланиб қолади.

Қишлоқ меҳнаткашлари ўтган йилнинг сарҳисобини чиқариш, тажриба алмашиш, келаси мавсум режаларини муҳокама қилиш учун бу ерга тўпланган эдилар. Ҳамкасблар бир-бирлари билан учрашганларидан жуда мамнун бўлишди.

Шундан кейин байрамнинг бадиий қисми бошланди. Отчопарда қишлоқ спортчилари: курашчилар, енгил атлетикачилар, мотоциклчилар ўз маҳоратларини намойиш этишди. Сўнг дорбозлар, бадиий ҳаваскорлик коллективлари, моҳир қўшиқчи ва раққосларга навбат берилди. Байрам анъанавий от пойгаси ва миллий улоқ ўйини билан ниҳоясига етди.

Фарғонадаги тантаналарда қўшни Андижон ва Наманган вилоятларидан, Қирғизистон ССР Ўш вилоятидан келган меҳмонлар қатнашдилар.

(ЎзТАГ мухбири).



Бепоён менинг Ватаним

БУГУНГИ «АВРОРА»

1917 йил 25 октябрь...

Барчамиз учун унутилмас бўлиб қолган бу кунни бир эслайлик. (Гарчи, биз у воқеаларнинг жонли шоҳиди бўлмаган бўлсак-да, китоблар орқали бўлсаям). Ана шу дамларда дунё юзини кўрган гўдаклар бугун ўзининг етмиш учинчи баҳорларини қаршилаяптилар. Улар сизу-бизнинг пешонамизни силаб, қалбимиз тўридан жой олган нуроний онахон ва отахонларимизга айланган. Етмиш уч йил. Айтишга осон. Балки бу бизнинг ўтмишимиз, тарихимиз олдида оз муддатга ўхшаб туюлар. Аммо бутун оламни ларзага солган энг даҳшатли ва қувончли воқеалар худди шу йиллар ичида содир бўлганини ҳам унутмайлик. Афсонавий «Аврора» садолари гўё ҳалиям Нева бўйларидан эшитилаётганга ўхшайди. Йўқ, бугунги «Аврора» энди бутунлай бошқача ҳолатда турибди десак ҳам бўлаверади. Чунки бугун 17-йил эмас. Энди «Аврора» крейсери ўзининг абадий қўналғаси бўлмиш Нева соҳилида. Бу ерга келиб-кетувчиларнинг адоғи кўринмайди. Мамлакатимиз ҳамда чет эллардан ташриф буюрган меҳмонлар «Аврора»ни зиёрат қилиб кетмасалар кўнгиллари ҳеч тинчимайди. Чунки «инқилоб бешиги» бўлган Петроград (Ленинград)даги энг гавжум жойлардан бири ҳам шу десак бўлаверади.


Крейсер яқинда қайтадан жиҳозланиб, тарихий материал ва ҳужжатлар билан тўлдирилиб, янада бойитилди.

Суратларда: ўз йигитлик бурчини афсонавий «Аврора» крейсерида ўтаётган белоруссиялик аскар йигит, иккинчи рангли старшина, комсомол аъзоси Александр Минченко «Мен учун «Аврора»да хизмат қилиш албатта шарафдир» дейди (чапда).

1917 йилнинг 25 октябрь куни соат 21 дан 40 дақиқа кечганида қишки саройни забт этишни худди сиз кўриб турган машҳур «Аврора» крейсери бошлаб берган эди (ўнгда).

С. СМОЛЬСКИЙ суратга олган.

(ТАСС).



Нуқтаи назар

Бошқа ўта муҳим ишлар билан бирга биз ҳозир турғунлик даврининг очиқ-ойдин ва аниқ баҳоланишига ҳам айниқса муҳтожмиз. Биз Л. И. Брежнев, унинг ёр-биродарлари, бутун бошқарув аппарати мамлакатга раҳнамолик қилган йигирма йил ичида нималар юз берганини англаб олишимиз лозим. Уларни кечириш учун, ёҳуд қарғаш учун англаш шарт эмас, албатта. Англаш — ўтмиш тажрибасини келажак ҳаққи баҳолаш демакдир. Зеро, кўп марта айтилганидай, бошига оғир синовлар, кулфатлар тушган халқлар улардан олган сабоқлари билан қисман мукофотланадилар.

Турғунлик тушунчасининг ўзи ҳам кенгроқ тадқиқ этилишини кутмоқда. Бир хил соҳаларда, энг аввало иқтисодда, тўхташ тенденцияси кенгроқ қулоч ёзган бўлса, бошқа жабҳаларда — сиёсат ва аҳлоқ соҳасида — Хрушчевнинг ўн йиллик ҳаракатлари уйғотган умидлардан сўнг аниқ-равшан чекиниш, орқага тайрилиш юз берганига шубҳа йўқ. Ислоҳотлардан воз кечиш, кўпчилик ҳолларда бошқарувнинг сталинча тўрачилик ва зўравонлик йўлларига қайтиш, ҳаёт даражаси ўсишини тўхтатиш, бажарилиши батамом зарур бўлган қарорларнинг четга сурилиши, буларнинг ўрнига эса—ярамас сиёсий сўзамоллик, халқнинг бутун-бутун қатламларини домига тортиб кетган порахўрлик ва ҳокимиятнинг таназзули—маънавий қийматларнинг йўқотилиши ва аҳлоқнинг оммавий бузилиши — булар турғунлик бўлса, инқироз нима? Айниқса, ташқи сиёсат Брежнев даврининг буткул қарама-қаршиликларини ўзида яққол намоён қилди, кескинликни юмшатиш йўлидаги ҳар бир олға қадамдан сўнг икки қадам орқага сирғалиб турилди. Икки буткул тескари ҳодисани — Хельсинкидаги якунловчи акт билан Афғонистондаги қонхўрликни — бор-йўғи бир неча йил ажратиб турибди.

Турғунликнинг кенг кўламли қирраларидан бу гал фақат биттасини англаб кўргимиз келади: хўш, қандай қилиб Ватанимиз тарихининг, умуман, дунё тарихининг, энг оғир даврида мамлакат тепасига энг бўшанг раҳбар чиқиб олди. Совет даврида, балким ҳамма даврлар мобайнида юртимизни бошқарган раҳбарлар ичида энг заифи, иродасизи қай йўл билан бошқарувни қўлга олди? Бу ҳодисани ўрганаётганда Брежневнинг устидан кулиш истагига берилгимиз йўқ, гарчанд у ўзини илоҳийлаштириш учун болаларча шавқ билан темир-тақа йиққан бўлса ҳам: тўрт марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Совет Иттифоқи Маршали, Халқаро Ленин мукофоти, юртида бронзадан бюст, адабиёт бўйича Ленин мукофоти, Карл Маркс номидаги Олтин медаль — фақат генералиссимус унвони етмай турибди: эрта ўлиб қолди, улгурмади. Масхаралаш жуда осон иш, бунинг устига қарийб энг тарқалган россиёна одат. Адашмасам, аллақачон Ключевский айтиб кетган: ҳар бир янги рус шоҳи ўз фаолиятини ўзидан олдингисини қоралаш билан бошлаган. Ғарбда шундай одат бор: марҳумлар ҳақида фақат яхши гапирилади. Бизда аксинча: тирикларга кўпириб-тошиб, мадҳия ўқиймиз; марҳумларга бош-кети йўқ қарғиш, ҳақорат. Эҳтимол, бу ишлаб турган раҳбарларни танқид қилиш имкони йўқлигидан, шунинг ҳиссасини ўлгандан сўнг чиқариб олишга уринишдан бўлса керак.

Совет даври раҳбарларидан қораланмай фақат Ленин қолди, холос. Яна қандай қолди денг, Сталин бутун фаолияти билан доҳий васиятларини оёқ-ости қилган бўлса-да, айни пайтда ҳар гал йўл топиб шахсан Ленинга таъзим қилиш ролини канда қилмади. Сталинни танқид қилишга келсак, у ўрнатган сиёсий ва ғоявий тузумнинг жиддий танқиди энди бошланаётир.

Брежневга нисбатан ҳам шундай оқилона йўл тутиш пайти етмадимикин? Албатта, унинг жиноятқор ҳамтовоқлари, оиласи махфий муносабатларининг батафсил тасвирланиши айрим ўқувчиларнинг асабини қитиқлаши турган гап. Аслида фарзандлар сиёсий раҳбарлар тўккан қон учун олинадиган қурбонликлар кўйига тушаяптилар. Шунинг учун, эҳтимол, Брежнев ҳақида ўйлашдан кўра, у яратган тузум, брежневчилик, унинг сиёсий раҳнамолик усули ҳақида ўйлаш фойдалироқ. Бу усул ҳали батамом йўқолганича йўқ, шунинг учун бу ерда сталинизмдан ҳимоя қилувчи кафолатлардан кам бўлмаган мустаҳкам қалқонлар керак. XIX партия конференцияси белгилаган сиёсий системани тубдан ислоҳ қилиш йўли бежиз танланган эмас.

* * *

Брежневга ҳокимият тақдирнинг совғаси бўлди. Сталинга ўша пайтдаги партия Марказий Комитетининг камтарона Бош секретарлиги лавозимини мамлакатимиз «хўжайини» лавозимига айлантириш учун ленинча сиёсий бюронинг қарийб ҳамма аъзоларини гумдон қилишга «тўғри келди», албатта, у фақат ўзини қолдирди, партия фаолларининг кўп қисмини сақлаб турди. Хрушчев, Сталиндан кейин, кўпчилик ўйлагандай, биринчи эмас, иккинчи бўлиб келди. Чунки ўша пайтда Маленков биринчи ҳисобланарди. Хрушчевга ҳам Ленин давридан буён давлат асосида турган Молотов каби соҳибқудрат, нуфузли ғанимлар билан курашишга тўғри келди. Балким, шунинг учун Сталин ва Хрушчев даври ўзича драматик ўзгаришларга, улкан тўлғонишларга, безовталик ва бекарорликларга тўлиб-тошгандир.

Брежневда бундай ҳодисалардан асар ҳам йўқ. У ҳокимиятни шундай силлиқ қўлга киритдики, гўё кимдир анча аввал зафар гултожини ҳар хил каллаларга ўлчаб кўргану, келиб-келиб шу бошга тўхтагандай эди. Бу тож унга шундай ўрнашиб тушдики, у тожини ҳеч қандай ташвиш, ҳалокат ва ихтилофларсиз 18 йил кийиб юрди. Унинг атрофидаги кишилар ҳам фақат бир нарсани хоҳлашарди: ишқилиб шу одам узоқроқ яшасин — уларга қандай мазза-я... Брежневнинг ўзи полкдошлари билан учрашув пайтида янги тикилган маршаллик чакмонидан фахрланиб айтганди: «Мана... хизмат қилиб қўйдик». Бу сўз унинг партия ва давлат раҳбарлиги «лавозим»ига келиши жараёнини баҳолаш учун ҳам етарли — хизмат қилиб қўйган эди у...

Брежнев Хрушчевнинг тамомила акси эди. Хрушчев жасур, таваккал қилишдан қўрқмайдиган, қалтис ишларга мойил, янгилик ва ўзгаришларга чанқоқ зот эди. Агар биз Никита Сергеевични кам билганимизда, нега Хрушчев ҳиссиёти, қалбининг туғёни ўзига буткул тескари бўлган Брежневни ҳимоя қилганига ҳайрон қолган бўлар эдик. Хрушчев ҳокимиятни, раҳнамоликни ҳеч ким билан бўлишни истамайдиган авторитар шахс сифатида ўз атрофига заиф, йўталса оғзига термулиб турадиган, ҳайбаракаллачи раҳбарларни тўплади. Унга сафдошлар керак эмасди, даҳолар эса умуман жонига теккан эди. У Сталин вафотидан кейин Маленков, Молотов, Каганович каби уни сиёсий тахтидан жудо қилмоқчи бўлган, иложи топилса, қоронғуда сувараkларга ем қилиб юборишдан тоймайдиган даҳочалардан бўғзигача тўйган эди. Брежнев, Подгорний, Криленко, Шелест каби «дастёрлар» унинг иродасини итоаткорона бажо этар эдилар. Хрушчев матбуот вакилларини қитмирлик билан «дастёрлар» деб атаган эди. Тўғри, иш ўша анъанавий жумбоққа: «Қани, ким-кимни?..» деган жойга келгач, айнан шу «дастёрлар» тезда нариги томонга ўтиб олдилар... Зеро, сиёсатда муҳаббатга жой йўқ — бу ерда ҳокимият манфаати ҳукмрон.

Айтганча, бир томондангина Брежневнинг раҳбарликка келиши сталинча ва хрушчевча моделни эсга солади. Ҳеч ким уни раҳбарлик ролига жиддий талабгор деб ўйлаган эмасди, унинг ўзи ҳам бундай интилишлар йўқлигини намойиш қиларди.

1

БРЕЖНЕВ ВА СЎНГАН УМИДЛАР

Фёдор БУРЛАЦКИЙ.

СИЁСИЙ РАҲНАМОЛИК ТАБИАТИ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР



Эсимизда, чет эл сафари муносабати билан унинг нутқини тайёрлаётганда (ўшанда у СССР Олий Совети Президиумининг раиси эди) тайёрловчиларга нотиқнинг асосий истагини етказишганди: «Камтарроқ, камтарроқ ёзинглар, мен раҳнамо эмасман, доҳий эмасман...»

Хрушчевни ағдаришни Брежнев тайёрламаганини ҳамма ҳам билмаса керак. Кўпчилик буни М. А. Суслов қилган, деб ўйлайди. Аслида буни А. Н. Шелепин бошчилигидаги гуруҳ амалга оширган. Улар кутилмаган жойларда тўпланишарди, кўпинча футбол мусобақалари пайти стадионда кўришишарди. Алоҳида ўрин КГБ раҳбари Семичастнийга берилди, зеро, уни бу лавозимга Шелепин таклиф этган эди. Унинг вазифаси Хрушчевнинг қўриқчиларини алмаштириш эди. Ҳақиқатан ҳам, Хрушчевни КПСС МК Президиуми мажлисига у Микоян билан дам олаётган Пицундадан чақиришганда, самолётга кириб, янги соқчиларни, ўзига нотаниш соқчиларни кўрди. Хрушчев вазиятни дарҳол тушунган, шекилли, учувчидан самолётни Киевга қўндириш учун кўндиришга беҳуда уринди.

Шелепин Суслов ва Брежнев билан бу қадар қалтис келишувга қачон киришгани ҳанузгача аниқ эмас. Аниғи шуки, иш айнан шундай изчилликда амалга ошган: аввал — биринчиси билан, сўнгра иккинчиси билан. Яна шуниси аниқки, МК Президиуми мажлисига сабаб Хрушчевнинг куёви Аджубейнинг Ғарбий Берлинда енгиллик қилиб, бизга икки Германияни бирлаштириш ҳеч гап эмас, дегани бўлди. ГДР раҳбарлари тезда совет ҳамкорларига ўз норозиликларини билдирдилар. бу нарса ёнғиннинг ловуллаб ёнишига сабаб бўлди.

Раҳбарликнинг айнан бундай йўл билан алмаштирилиши сиёсий тарихда кам учрайдиган ҳодиса. Бундай усул одатда аввалги ҳукмдорни ўлдиришганда қўл келарди. Хрушчевга қарши «тинч исён» икки сабабга кўра муваффақиятли амалга ошди. Биринчидан—Хрушчевнинг ўзи бошқарувнинг сўнгги йиллари ҳокимияти суянган дарахтнинг шохларини бирин-кетин кеса бошлади. Иккинчи сабаб — Шелепин.

Хрушчев, билишимча, ҳеч кимга Шелепинчалик ишонган эмас. Ҳеч кимни партия ва давлат поғоналарига бу қадар тез кўтарган эмас. Шелепин қисқа вақт ичида МКнинг оддий аъзолигидан Президиум аъзолигига, партия-давлат назорати Комитети раислигига, МК секретарлигига кўтарилди... Ҳа, айтишганича бор: худойим бизни дўстларимиздан қутқар, душманларни ўзимиз бир ёқлик қилармиз.

Бироқ Шелепин қаттиқ адашди. У ИФЛИни тугатган бўлса, ҳам, тарихимизни ёмон билар эди. У Брежнев — ўткинчи одам, вақтинча турадиган шахс. Хрушчев каби гигантни қулатгач, унинг заиф сояси бўлган Брежневни йўлдан осон олиб ташлайман, деб ўйларди.

Айтиш керакки, Брежнев ўзининг бор-йўқ нуфузи учун Хрушчевдан миннатдор бўлиши керак. У Курскдаги ер-қурилиш техникумини тугатиб, йигирма беш ёшидагина партия сафига киради. Кейин институтни битириб, сиёсий мартабасига ғишт қўя бошлайди. 1937 йилнинг майида (!) Брежнев Днепродзержинск шаҳар совети ижроқўмининг раиси, бир йил ўтгач эса Днепропетровск обкомига ўтади. Брежневнинг бу илк қадамларида Хрушчевнинг қўли бор-йўқлигини айтиш қийин, бироқ унинг кейинги мавқеи Украина Компартиясининг ўша пайтдаги биринчи секретари бўлган Хрушчевнинг фаол қўллаб-қувватлаши туфайли юзага келди. Брежнев Молдавия Компартияси МК биринчи секретари вазифасига тайинлангач, ўзининг кўпчилик днепропетровсклик дўстларини ҳам олиб ўтди, ўзининг яқин сафдоши, ўша пайтдаги республика Компартияси МК тарғибот ва ташвиқот бўлими мудири К. У. Черненкони ҳам шу ерда ёндоштирди.

Партия XIX съездидан сўнг Брежнев Марказий Комитет Президиуми аъзолигига номзод бўлади, Сталин вафотидан кейин эса Совет Армияси ва Ҳарбий денгиз Флоти Бош сиёсий бошқармасида пайдо бўлади. Хрушчев қанчалик мустаҳкам ўрнашган сари, Брежнев шунчалик кўтарила боради. 1964 йил октябрь Пленумида у аллақачон Марказий Комитетнинг иккинчи секретари. Хрушчев ўз қўллари билан ворисига тахт яратди.

2

Ҳар ҳолда Брежнев ўз ҳомийсини бир ёқлик қилиб ўтирмади. Хрушчев КПСС МК 1957 йил июнь Пленумида намуна кўрсатди. Айтишадики, сталинча гвардиянинг шармандаларча мағлубиятидан сўнг унга Хрушчевни узоқ йиллар қувватлаб келган Каганович қўнғироқ қилади ва сўрайди: «Никита, бизга нима бўлади?..» Хрушчев саволга савол билан жавоб қайтаради: «Агар сизлар баланд келганда нима бўларди? Мени қамоқхонада чиритиб юборармидиларинг? Ё отиб ташлармидиларинг?» Каганович қандайдир ноаён минғиллайди. Шунда Хрушчев айтади: «Мен сизларга шунчаки айтаман: боринглар, даф бўлинглар... қайғалигини биласизлармi?...»

Шундай қилиб мағлуб сиёсатдонларни отиш давридан уларни четлатиш ва қувишга ўтиш юз берди. Брежнев ҳам бу намунадан ўрнак олди. У Хрушчевни бир ёқлик қилиб ўтирмади, икки юз йил аввал подшоҳ ғазабига учраганларни жўнатганларидай — Москва атрофидаги дала ҳовлисида умри бебаҳонинг сўнгини кутиб ўтиришга ҳукм этди.

* * *

1964 йилнинг октябрида Марказий Комитетнинг икки халқаро бўлими ходимларидан иборат гуруҳ таркибида шаҳардан ташқаридаги дала ҳовлида ишладим. Хрушчевнинг тўғридан-тўғри топшириғи билан биз ташқи сиёсатга доир муҳим бир ҳужжатни тайёрлар эдик. Бизни жуда шоширишар, МК секретарлари ҳар куни бир неча бор ишнинг боришини суриштириб туришарди. Ўзимизни кофе ва бошқа «шифо»лар билан суғориб, навбатдаги «қоғоз»нинг жабрини чекардик. Тўсатдан телефон жимиб қолди. Ҳеч ким қўнғироқ қилмайди. Бир кун ўтди. Бошқа кун бошланди — қилт этган товуш йўқ. Шунда қалин дўстларимдан бири: «Москвага бориб, бир хабар олсанг бўларди, нима бўлаётган экан, қандайдир шубҳали сукунат» деди.

Қадим майдонга етиб келдим. Ишхонага кириб илк сезганим шу бўлди — айнан шубҳали сукунат. Йўлакда бирор тирик зот йўқ, гўёки кимдир ҳаммасини супуриб ташлагандай. Хоналарга бош суқдим— икки киши, уч киши бўлиб шивир-шивир қилишяпти. Мана, бир кишини учратдим, адашмасам, Чехословакия бўлими мудири эди. Ҳовлиқмароқ, собиқ комсомол ходимларидан чиққан, питир-питир қилиб юрадиган йигит. У менга шундай деди: «Ўтириб ёзаверинглар! Мирзачалар! Бу ёнда одамлар ҳокимиятни олишяпти!» Ниҳоят, гап нимадалигини англайман. Марказий Комитет Президиуми мажлисининг иккинчи куни кетаяпти... Раҳбариятнинг ҳамма аъзолари чиқишяпти. Хрушчевни танқид қилишмоқда. «Ўз хоҳишига кўра» кетишни таклиф этишаётир. Тўғри, кимдир уни СССР Министрлар Совети Раиси қилиб қолдиришни истаётгани ҳақида ҳам гап тарқалди. Ишқилиб, ё бу йўл тўғри келмади, ё тарқалган гап нотўғри чиқдими, 1964 йил октябрь Пленумида «ўз истаги бўйича» кетиш ҳақидаги ариза инобатга олинди.

Пленумдан сўнг мен ишлайдиган бўлимнинг мудири Андропов ходимлар олдида чиқиш қилди, тафсилотларни тушунтирди. Унинг асосий фикри ҳали-ҳануз ёдимда: «Энди биз ХХ съезд йўлидан яна ҳам изчил борамиз». Тўғри, шу ернинг ўзида менга қилинган киноя, шунча йил бирга ишлаб илк бор эшитган луқма мени ҳайрон қолдирди: «Нега «Правда»да мақоланг чиқмагани сабабини тушунгандирсан?»

Мен тайёрлаган, аслида редакцияники бўлган бир саҳифали мақола «Сталин шахсига сиғиниш ва унинг ворислари» деб аталарди. Мақола шахсан Хрушчев томонидан қўллаб-қувватланганди. Бироқ бир неча ой мобайнида уни босишмаётган эди. Нечун? Октябрь Пленумидан сўнг равшан бўлдики, уни махсус ушлаб туришган экан.

Ўша Пленумдан сўнг мен Брежнев билан илк бор ва бир бор батафсил суҳбатлашдим. 1965 йил баҳорида бизнинг бўлим ва бошқа бўлимлардан олинган маслаҳатчилар гуруҳига Марказий Комитет биринчи секретарининг Улуғ Ватан урушидаги Ғалабанинг 20 йиллиги муносабати билан қиладиган нутқи матнини тайёрлашни топширишди. Биз бешинчи қаватда Брежнев хонасининг яқинидаги хонада ишлардик. Мени группага бошлиқ этиб тайинлашди, айнан шунинг учун Брежневнинг ёрдамчиси менга унинг Шелепин жўнатган шундай текстни ҳам ўрганиш ва баҳолаш ҳақидаги илтимосини етказди. Кейинроқ Брежневнинг ўзи чиқиб, ҳар биримиз билан қўл бериб сўрашди ва мени сўроққа тутди:

— Қани, у қанақа диссертацияни жўнатибди экан?

«Диссертация» айтиш керак, жуда жиддий эди — Хрушчев давридаги бутун партия сиёсатини янги сталинчилик руҳида қайта кўриб чиқиш талаб этиларди. Биз сиёсий бошқаришни аввалги изга солувчи кескин бурилишларнинг 17 қисмини санадик. ХХ ва XXII съезд қарорларидан сўнг Сталиннинг «қутлуғ номи»ни қайта тиклаш; тасдиқланган партия программасидан ва ундаги айрим шахсга сиғиниш кўринишларига қарши кафолатлардан, жумладан кадрларни алмаштириб туришдан воз кечиш, совнархозлардан воч кечиш ва раҳбарликнинг маҳкамачилик йўриғига қайтиш, обкомлар ва райкомларнинг саноат ва қишлоқ хўжалиги бўйича бўлинишидан воч кечиш; демократияни инкор этиб бешафқат меҳнат интизоми ўтказиш; тинч-тотув яшаш принципини инкор қилиш, капиталистик мамлакатларда тинч йўл билан социализм қуриш формуласидан кечиш ва жаҳон инқилоби йўлига қайтиш; шахсга сиғиниш танқиди бўйича ва коммунистик ҳаракатнинг умумий стратегияси бўйича Мао Цзедунга ён бериш, у билан дўстликни тиклаш, Югославия коммунистлар Иттифоқига нисбатан «ревизионизм» ва «реформизм ўчоғи» деган аввалги тамғани тиклаш... Шунга ўхшаш жуда кўп фикрлар.

Ўзимизнинг мулоҳазаларимизни бирин-кетин Брежневга баён қила бошладим. Қанчалик кўп тушунтираверсам, унинг юзи шунчалик ўзгараверди. Унинг чеҳраси тундлашиб, қовоғи солина бошлади, биз шўрликлар сездикки, Леонид Ильич бирор бир сўзни ҳам қабул қилолмай қолди. Мен булоқдай отилиб чиқаётган сўзамоллигим фавворасини тўхтатдим, у бўлса, юракка тегиб кетадиган самимийлик билан:

— Буларнинг барини англаб олишим қийин. Умуман, очиғини айтганда, бу соҳада ўқувим йўқроқ. Менинг кучли томоним — ташкилотчилик ва психология, — деди. Кейин бармоқлари ёзилган қўлини силтаб, тушуниб бўлмас ҳаракат қилиб қўйди.

Энг драматик муаммо — бу тезда аён бўлди — шундай эдики, Брежнев кутилмаганда гарданига тушган бу вазифани бажаришга умуман тайёр эмас эди. У партия МК биринчи секретарлигига кучларнинг мураккаб, кенг кўламли ва ҳатто ғалати олишуви туфайли чиқиб олди. Бу ерда ҳамма нарса аралаш-қуралаш бўлиб кетган: Хрушчевнинг ўз ҳамкасбларига нисбатан калондимоғлигидан норозилик; унинг сиёсатидаги қалтисликлар, қарийб инқирозга олиб келган кескин таваккалчиликлардан хавфсираш, Хитой билан тўқнашувнинг «шахсий характер»га эгалиги ҳақида хомхаёллар, айниқса — бошқарув аппарати консерватив қисмининг доимий беқарорлик, тўлғониш, кутилмаган бурилиш, ислоҳотлардан ғазабланиши... Раҳбарларнинг турли авлоди ўртасидаги кураш ҳам роль ўйнаганди, албатта: 1937 йил авлодига мансуб Брежнев, Суслов, Косигин ва Шелепин, Воронов, Полянский, Андроповлар тенги урушдан кейинги раҳбарлар авлоди Брежнев бу йўлларнинг марказида, чорраҳасида пайдо бўлди. Шунинг учун биринчи пайтлар ҳаммани қаноатлантиради.

(Давоми бор).

3

Хориждан хабарлар

ҲИНДИСТОН ҲУКУМАТИ МАМЛАКАТ АҲОЛИСИНИНГ КЎПАЙИШ СУРЪАТЛАРИДАН ТАШВИШДА

ДЕҲЛИ, 8 январь. (ТАСС). Аҳолининг жадал суръатлар билан кўпаяётганлиги Ҳиндистон ҳукуматини жиддий ташвишлантирмоқда. У мамлакат аҳолисининг ҳаддан зиёд кўпайиб кетиши оқибатида жиддий ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг кескинлашишига йўл қўймаслик мақсадида бир қанча муҳим программаларни амалга оширмоқчи. Ҳиндистон демографларининг Деҳлида бўлиб ўтган конференциясида соғлиқни сақлаш ва оила фаровонлиги министрлигининг секретари Мира Сетх шу ҳақда гапирди.

У туғилишнинг ҳозирги суръатлари сақланиб қоладиган бўлса, ҳозир 807 миллион кишини ташкил этаётган республика аҳолиси 2035 йилга бориб икки баравар кўпайишини таъкидлади. Сайёрамиздаги қуруқликнинг атиги 2,4 фоизини эгаллаб турган Ҳиндистонда ҳозирнинг ўзидаёқ бутун инсониятнинг қарийб 15 фоизи яшаяпти. Ҳиндистон ҳукумати яқин вақт ичида туғилиш суръатларини кескин қисқартиришга эришиш ниятида. Ҳозир ҳар икки минутда ҳинд оилаларида янги чақалоқ дунёга келмоқда. Туғилишни назорат қилиш программасини жадал бажаришдан ташқари, деб таъкидланди конференцияда, мамлакатнинг аҳолиси кам бўлган турли регионларини иқтисодий ривожлантириш, Ҳиндистоннинг марказий ва шимолий районларидаги ортиқча аҳолини у ерга кўчириш учун шошилинч чора-тадбирлар кўриш зарур.

Телетайп лентасидан

ВАШИНГТОН. АҚШ аҳолиси 1990 йил бошига келиб 249,1 миллион кишини ташкил этди. Савдо министрлиги рўйхатга олиш бюросининг маълумотларига кўра, 1980 йилдан буён ўтган давр ичида мамлакат аҳолиси 10,2 фоиз ёки 23,1 миллион киши кўпайган.

Демографларнинг фикрича, АҚШ аҳолиси жорий йилда 2,5 миллион киши кўпаяди. 1956 йилда бу ерда аҳоли шу пайтга қадар энг кўп даражада — 3,1 миллион киши кўпайган эди.

ПЕКИН. Хитойнинг шимоли-шарқида жойлашган Харбин шаҳри аҳолиси ва меҳмонлар кўз ўнгида бугун модерн услубида қурилган кўҳна ибодатхоналар ва бинолар, ўнлаб эртаклар қаҳрамонлари, ғаройиб гуллар ва жониворлар, ҳатто бутун-бутун манзаралар намоён бўлди. Уларнинг барчаси шаффоф ва рангли муздан тайёрланган. Бу ерда муз ва кордан ишланган ҳайкалларнинг анъанавий фестивали очилди. Ушбу фантастик манзарани «Муз мусаввирлари»нинг моҳир қўллари яратган.

Хитой ҳайкалтарошлари ўтган йилнинг декабрь ойи бошларидан буён бу одатдан ташқари қурилиш материалидан мингга яқин асар яратдилар. Муз ҳайкаллар, айниқса кечки соатларда усталик билан ёритилиб, фантастик ранглар билан товланганида, аллақандай илоҳий вазият, сеҳргарлик салтанатини яратганида нафис жозиба касб этади. Бу салтанат ёшу қари, барча кишиларда унутилмас таассурот қолдиради.

ПАРИЖ. Франциядаги Абвиль шаҳри (Сомма департаменти)нинг кўпни кўрган полициячилари ўз исми ва адресини унутиб қўйган, Францияга қандай келиб қолганлигини билмайдиган киши билан тўқнашиб қолганларида нима қилишларини билмай, довдираб қолишди.

Нотаниш кимсанинг бу ерда пайдо бўлишининг ўзи сирли. Франс Пресс агентлигининг хабар қилишича, уни декабрь ойининг охирларида тонг саҳарда шаҳардан оқиб ўтувчи Сомма дарёсининг тик қирғоғига кийимлари жиққа ҳўл ҳолда чиқиб олишга интилаётганида пайқаб қолишган. Бу киши йўловчиларнинг саволларига ўлда-жўлда жавоб қайтарган ва карахт ҳолатда бўлган. Бу ғалати одам билан қизиқиб қолган полиция унинг ёнида ҳужжатлари ҳам, пули ҳам йўқлигини, фақат инглиз тилида гапиришини аниқлаган. Нотаниш киши полицияда ўзини Ричард Кросс, кейинроқ Жексон, деб атаган. У дайди эмаслиги яққол кўриниб турибди, чунки у яхши кийинган, дуруст таълим кўрган одам.

Гарчи терговни олиб боришга қўшни Булонь шаҳридаги инглиз элчихонаси ҳам қўшилган бўлса-да, бироpта саволга жавоб топилмади. Британия дипломати фақат нотаниш кимсанинг инглиз тилини мукаммал билишинигина тасдиқлай олди, холос. Айни пайтда Скотланд-Ярд бу одамнинг Буюк Британиядаги қариндош-уруғларини қидира бошлади.

ПАРИЖ. Трамвай ўтмишда қолиб кетмади — Франс Пресс ахборот агентлиги Францияда ана шундай транспортнинг дастлабки линияси ишга туширилганлигига якшанба куни роса юз йил тўлишини хабар қилиб, ана шундай хулоса чиқарди.

1890 йил 7 январида, АҚШда жаҳонда биринчи трамвай линияси ишга туширилганидан кейин икки йил ўтгач, Франциянинг Клермон—Ферран шаҳрида электр билан юрадиган трамвайлар мунтазам қатнай бошлади. Дастлабки трамвайлар соатига 20 километр тезлик билан ҳаракат қиларди. Шунга қарамай, улар Франциядаги аксарият шаҳарларнинг кўчаларидан от араваларни қисиб чиқарди. Аҳолиси 50 минг кишидан ошмайдиган Клермон—Ферранда трамвайлар улардан фойдаланишнинг дастлабки йиллариdаёқ миллионга яқин йўловчини таширди.

Лекин вақт ўтаверди ва эллигинчи йилларга келиб кўпгина йирик шаҳарларда трамвай жамоат транспортининг анча замонавий турларига ўз ўрнини бўшатиб берди. Лекин бир вақтлар трамвайни шаҳар кўчаларига сиғиштирмаган автотранспорт ҳозир унинг ҳаракати тикланишига тобора кўпроқ ёрдам бераяпти: якшанба куни юз ёшга кирган транспорт турининг экологик жиҳатдан тозалиги Франциянинг ўттиз йил муқаддам трамвай билан хайрлашишга шошилган бешта шаҳрида энди кўпгина линиялар қайта ишга туширилишига ёрдам берди.

(ТАСС).



Ҳар ернинг ўзига хос ҳожатбарор воситаси бор. Сиз суратда кўриб турган бу уч ғилдиракли мотоциклларни Ҳиндистоннинг барча шаҳарларида учратишингиз мумкин. Улар аҳолининг ҳам, меҳмонларнинг ҳам узоғини яқин қилишга мўлжалланган.

А. МИРЗАЖОНОВ сурати.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ҚИММАТБАҲО БУЛОЧКА

● ТОНГАТАНУ ОРОЛИДАГИ (Тонга архипелаги) Фуамоту шаҳарчасининг почта бошлиғи Жорж Кийру ҳар куни эрталаб юмшоққина булочка билан кофе ичишга одатланган. Маҳаллий новвойхонадан унга ҳар куни иссиқ булочка юбориб туришади.

Бир куни нонушта пайтида Кийру булочка билан бирга қаттиқ бир предметни чайнаб юборган. У нима экан деб синчиклаб қараса каттлиги ловиядек келадиган саккиз қиррали қилиб ишланган ёқут экан. Мутахассислар унинг нархини 100 минг доллар деб баҳолашган. Ватани эса Цейлон экан. Бу қимматбаҳо тош қандай қилиб булочка ичига тушиб қолганлиги жумбоқ бўлиб турибди. Лекин почта бошлиғи энди ҳамма булочкаларни «синчиклаб» текширмоқда. Шундай бўлсада бундай ҳол бошқа қайтарилмаётир, деб ёзади «Зюдойче цайтунг» (ГФР) газетаси.

БУ ҲАМ РЕКЛАМА!

● АНГЛИЯНИНГ СТОКТОН-он-Тис шаҳридаги видео-магнитофонлар салони эгаси Дэвид Хадспед харидорлар эътиборини ғаройиб ва хавфли бўлган конкурсга жалб этган.

Конкурс шартига кўра, кимда-ким магазин витринасидаги аквариум ичига ташлаб қўйилган жетонни олса, унинг олаётган моли маълум миқдорда арзонга берилади. Унинг нархи жетонда кўрсатилган бўлади. Аквариумда эса йиртқич пираньи балиғи бор. Ҳохловчилар жетонни фақат қўл билан олишлари керак. Ҳозирча, — деб ёзади Югославиянинг «Политикин забавник» журнали, — аквариумга қўл тиқадиган мард топилгани йўқ.


ҚОҒОЗ ХАЛТАЛАРДАН ЯСАЛГАН ҚАЙИҚДА

● АМЕРИКАНИНГ РЕДВУД-Сити шаҳрида ҳар йили ўтказиладиган бу мусобақа кўплаб томошабинларнинг эътиборини ўзига жалб қилади. Дарёда ўтказиладиган пойгада сутдан бўшаган қоғоз халталардан ясалган қайиқлар қатнашишади. Мукофот қайси қайиқнинг олдин келганига қараб эмас, балки ажойиб қилиб ясалган қайиққа берилади. Бу йилги мусобақада қадимги рицарлар қўрғони шаклида ясалган қайиқ энг зўр деб топилган.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

СПОРТ









Мана, 1989 йил билан ҳам хайрлашдик. Газетамизнинг спорт ва оммавий мудофаа ишлари бўлимига мактубларнинг аксарият қисми футбол мухлисларидан келганлигидан Ўзбекистонда футбол учун, қолаверса, «Пахтакор» учун одамлар нақадар ташвишланаётганлигини билиш мумкин. Дарвоқе, мухлисларга ҳам осон тутмаслик керак. Тўғрида, биринчи лигада шунча йилдан бери «жавлон ураётган» севимли «Пахтакор»лари учун олий лига ҳамон орзулигича қолаётган бўлса? Ўзбек футболининг тақдири қўшқўллаб топшириб қўйилган «жонкуярлар» «Пахтакор» учун куйинмаётган бўлса, улар куйинмай, ким ҳам куйинсин? Ўтган йилги бўлган «келди-кетди»ларни-ку, айтишга ҳам уяласан киши. Хуллас, футбол ишқибозларини қийнаётган, уларга тинчлик бермаётган саволлар беҳисоб. Қуйида биз ана шундай мактублардан айримларини эълон қилаяпмиз.

«ПАХТАКОР» ҲАҚИДА ОШКОРА ГАПЛАР

ТИЛАКЛАРИМИЗ

Ниҳоят, мавсум якунланди. Ғалвир сувдан кўтарилган пайтда ўзбек футболининг ҳақиқий ишқибозларини қийнаётган дардли саволларига кимлар нима деб жавоб беришлари ҳақида ўйласам, эзилиб кетаман. Сабаби...

Узоққа бормайин, биргина «Нефтчи» билан бўлган ўйинни эсласам, ачиниб кетаман. Ўйин тўлалигича бокуликлар устунлиги остида ўтди. Мени қувонтиргани, улардаги ўзгаришлар — команда миллий таркибининг жипслашуви. Қайта қуриш шамоли озар халқи қалбига умидбахш туйғулар, ўзгаришлар солаётган экан, биз бундан қувонишимиз керак. Бу албатта миллий мустақиллигини, ишлаб чиқариш муносабатларини ўз халқи талаб-истакларидан келиб чиқиб ҳал қилаётган жумҳуриятларга хосдир. Бизда-чи? Бунинг тескариси, Мен бу ерда ҳеч қандай ғаразлик мақсадларини кўзлаётганим йўқ. Аксинча, тенглик бўлиш тарафдориман. «20 миллионли Ўзбекистонда 15 нафар футболчи топилмайдими?» деган билан ҳеч нарса ўзгармаяпти-ку?

Бизнинг «Пахтакор»дан ҳали умидимиз бор. Азамат, Миржалол, Мустафо, Андрей, Геннадий, Игорлардан халқимиз кўп нарсани кутяпти уларга тилагимиз:

Ўзбек халқи ҳеч қачон эзгуликни кўнглига эш қилиб, шу халқ ҳурматини, ғурурини ҳимоя қилган инсонларни ёлғизлатиб қўймаган. Сизлар ўткинчи «раҳбар»ларга, «учар фидоий»ларга «эргашманглар...

Сизлардан илтимос, «Пахтакор» ҳақида ишқибозларнинг билдираётган таклифларини, истакларини газетангиз саҳифаларида мунтазам эълон қилиб бораверинглар. Зора, мудроқ уйқуда ётган мутасаддилар уйғонишса?!

Ж. ЯХШИБОЕВ.
Нишон ноҳияси.



ОШКОРАЛИК ЗАРУР

Очиғини айтганда, баъзан медицинамиздан ҳам жуда хафа бўлиб кетаман. Шунча касалликларга қарши дориларни топган, ишқибозлик дорисини ҳам ўйлаб чиқарса, нима бўларди? Дорини ичардим-да, «Пахтакор»ни бутунлай эсимдан чиқарардим. Йўқ, ишқибозлик ҳам муҳаббатга ўхшаркан. Яхши кўриб қолдингми, тамом, тинчлигинг бузилар экан. Бошқаларни билмадим-у, аммо мен ўтган йили «Пахтакор»нинг олий лигага чиқишига ишонган эдим.

Носов кетиб қолганидан сўнг команда ичидаги вазият бутунлай салбий томонга ўзгарди. Уларда нимагадир бепарволик, бамайлихотирлик, умидсизлик сезила бошлади. Стадионга эса календарда ўйин бўлгани учун мажбуран чиқиб ўйнаётганга ўхшардилар.

Мени бир савол қийнайди. Футбол майдонларида ўйин қоидаларини бузган, қўполлик қилган ўйинчилар ҳамда турли хил жиддий хатоликларга йўл қўйган ҳакамларгача жазоланади. Ҳатто кейинги пайтларда томошабинлар томонидан қилинган тартибсизликлар учун жонсиз стадионларни ҳам маъмурий йўл билан жазолашга мажбур бўлишяпти.

Хўш, катта бир жумҳуриятнинг бир пайтлар довруғи кетган ажойиб командасини издан чиқариб, оғир аҳволга солган кишилар нега жазоланмайди?

Соат ШАРИПОВ.

Келади-ю, кетади

Жумҳуриятимизнинг футбол бўйича биринчи лигадаги ягона командаси «Пахтакор»га янги бош тренер қилиб москвалик Новиков тайинланганлигини ўқиб, шу мактубни ёзишга журъат этдим. Мен Новиков тренер бўлганига асло қарши эмасман. Аммо беихтиёр, турғунлик йилларининг асоратлари қачон тугатилади, деган савол туғилади. Ахир қачонгача 20 миллионли Ўзбекистонни камситаверамиз? Мен 60-йиллардан буён «Пахтакор»нинг мухлисиман. Командамизнинг жуда кўп ажойиб ўйинларини кўрганман. Яна ўша мавқеини тиклай олади, деб умид қиламан. Аммо... Бош тренерлар ҳадеб келиб-кетаверса, бу умид рўёбга чиқишига асло ишонмайман. Ўтган йили Украинадан таклиф этилган бош тренер командани ўлда-жўлда, ярим йўлда ташлаб кетган бўлсада, бундан тўғри хулоса чиқара олмаган жумҳуриятимиз спорт комитетидаги футбол бўйича мутасадди ўртоқлар яна Москвадан бош тренер таклиф этганларини қандай тушуниш керак? Ўша мутасадди ўртоқларга бир неча саволим бор:

— Ўн йиллардан буён катта-катта маошлар эвазига, юмшоқ курсиларда ўтириб, жумҳуриятимизда г и ягона «Пахтакор» учун лаёқатли бир тренер тайёрлай олмаган бўлсангиз, бу жойда нима қилиб ўтирибсиз?

— Йигирма миллионли жумҳуриятимиз аҳли ичидан наҳотки, командамизга лаёқатли битта ҳам тренер топилмаса? Тополмасангиз шу жойни бўшатинг!..

Газетангиз суюкли командамиз ҳақида жонкуярлик билан жуда кўп мақолалар бераяпти. Аммо натижа ўша-ўша: мутасадди ўртоқлар минглаб ишқибозларнинг гаплари ва фикрларини оёқ ости қилиб, ўз билганларидан қолмаяптилар. Бу ашаддий бюрократизмнинг ўзгинасидир. Бу ишларга қачон чек қўйилади?

Мени бир нарса ҳайрон қолдиради. Келиб-кетувчи тренерлар шарофати билан командадаги аҳвол йилдан-йилга ёмонлашаётган бўлса-да, яна йил бошида четдан тренер олиб келинса, бу нима деган гап?

ТЎЛҚИН,
шоир, СССР Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси.

Биз қуйида «Пахтакор»нинг ўтган уч йилда (1989 йилги мавсум натижаларига кўра 12-ўринни олганлиги ҳаммамизга маълум бўлганлиги учун келтириб ўтирмадик) чемпионат ўйинлари жадвалида эгаллаган ўринларини келтирдик. Командамизнинг ана шу йиллар ичида қўлга киритган ютуқлари ҳамда муваффақиятсизликлари ҳақидаги хулосани эса зукко мухлисларимизнинг ўзлари чиқариб олишади.

1986 йил

		У	Ю	Д	М	Т	О
1.	«Гурия»	46	28	5	13	80—66	61
2.	МАСК	46	26	9	11	63—35	61
3.	«Даугава»	46	24	14	8	82—46	60
4.	АСК Карпати	46	22	10	14	69—52	54
5.	«Помир»	46	21	13	12	76—48	54
6.	«Локомотив»	46	21	11	14	63—48	53
7.	«Ростсельмаш»	46	21	10	15	86—59	52
8.	«Ротор»	46	22	7	17	69—56	51
9.	«Колос»	46	20	11	15	48—45	51
10.	«Динамо» БТ	46	29	8	18	50—59	48
11.	«Факел»	46	20	8	18	56—44	48
12.	«Металлург»	46	17	11	18	59—54	45
13.	«Кузбасс»	46	16	13	17	63—61	44
14.	«Шинник»	46	16	14	16	41—45	44
15.	АСК Р-Дон	46	16	11	19	54—51	43
16.	«Спартак»	46	15	12	19	58—66	42
17.	«Котайк»	46	14	13	19	46—54	40
18.	«Пахтакор»	46	15	10	21	55—73	40

1987 йил

		У	Ю	Д	М	Т	О
1.	«Черноморец»	42	25	12	5	68—31	62
2.	«Локомотив»	42	23	13	6	59—26	58
3.	«Даугава»	42	19	15	8	65—35	50
4.	«Помир»	42	19	8	15	55—45	46
5.	Карпати АСК	42	17	12	13	62—46	46
6.	«Кузбасс»	42	16	14	12	46—36	44
7.	«Пахтакор»	42	16	12	14	47—44	44

1988 йил

		У	Ю	Д	М	Т	О
1.	«Помир»	42	24	10	8	78—44	58
2.	«Ротор»	42	25	7	10	76—37	57
3.	МАСК	42	23	10	9	69—35	56
4.	«Гурия»	42	23	7	12	71—44	53
5.	«Пахтакор»	42	21	10	11	64—38	52

Ўтган йили сиз қадрли футбол мухлисларидан «Пахтакор» мавзуига бағишланган 3000 дан ортиқ хат олдик. Уларнинг ҳар бирида ишқибозлар ўз севимли командаларининг тақдирига бефарқ эмасликларини куйиниб ёзишган. Команданинг йилдан-йилга мавқеи тушиб кетаётганлиги, унинг ўйинларида ҳамиша бўлиб келган ҳужумкорлик, шиддатнинг йўқолиб бораётганлигини ўзларича таҳлил қилишган. Ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришган.

Биз имконият даражасида улардан фойдаланишга ҳаракат қилдик. Лекин бу хатларнинг барчасини газетада чоп этишнинг имкони йўқлигини ўзларингиз ҳам яхши билсангизлар керак. Шундай бўлишига қарамай, хат муаллифлари ўз фикр-мулоҳазаларини чоп этишимизни илтимос қилишади. Уларнинг назарида бу хатлардан кейин командадаги аҳвол ва унга раҳбарларнинг муносабати ўзгариб қоладиганга ўхшайди.

Аслида-чи? Аслида чиндан ҳам шундай бўлармикан? Афсуски, йўқ. Агар команда тепасида турганлар ва спортимизнинг раҳбарлари мухлисларнинг таклиф ва мулоҳазаларига жиндек бўлсада қулоқ солишганда, «Пахтакор» аллақачон олий лигада ўйнаб юрган бўлармиди? Ва биз юқоридаги куйинчак футбол мухлисларининг ўртаниб ёзган сўзларидан кейин ҳам ҳеч нарса ўзгармаслигига аминмиз. Фақатгина уларнинг сазасини ўлдирмаслик учун, лоақал газетамиздан ҳам ихлосини қолдирмаслик учунгина уни ушбу саҳифага жамладик.

Шунинг билан биз «Пахтакор» мавзуидаги баҳс-мунозараларимизга якун ясамоқчимиз. Чунки нима бўлганда ҳам бўсағада янги футбол мавсуми. Команда чемпионат ўйинларига тайёргарлик ишларини бошлаб юборди. Лекин бу муҳими эмас. Муҳими сизнинг ва бизнинг газета орқали қилаётган ҳайқириқларимизга «Пахтакор» ва унинг атрофидаги амалдорларга заррача ҳам таъсир қилмаяпти. Ажаб, ҳозирги ошкоралик ва демократия замонида халқнинг, миллионлаб кишиларнинг фикри билан ҳисоблашмаётганларга наҳотки ҳеч ким ҳеч нарса дея олмаса? «Пахтакор» спорт қўмитадаги бир ҳовуч раҳбарларнинг командаси эмас. У бир умр эзилиб, пахта ичида ўсган қадди дол ўзбек халқининг юпанчи ва армони.

КИМ ЖАВОБ БЕРАДИ?

«ПАХТАКОР» — бу ном бугун Ўзбекистонда миллионларнинг қувончи, ташвиши, дарди ва изтиробига айланган.

Оддий мухлис сифатида «Пахтакор»нинг ўйинларига аниқроғи, бу йилги биринчилик учрашувларига тўхталмоқчиман.

Ҳа, қисқа масофалардан тўп узатиш, ҳужумкорликни сўнгги дақиқаларгача давом эттиролмаслик, бир-бирини тушунмаслик «касали»дан команда қутилолмаётир. Мавсумда А. Яновский, М. Билолов, А. Постнов, М. Қосимов, А. Абдураимовлар жон куйдириб ўйнашди. Бироқ, футболда ҳар бир ўйинчининг ўрни сезилиб туриши, баҳамжиҳатлик кўзланган самарани беради.

Менимча Р. Муҳадов, А. Кожухов, З. Селимов, С. Ковшов, А. Дўрманов, В. Цараев сингарилар ҳали маҳоратларини иккинчи лигада оширишлари керакка ўхшайди. Дарвозабон ҳам сўнгги ўйинларда чарчаб қолди. Албатта, унинг ёшини ҳам ҳисобга олиш лозим.

Бир сўз билан айтганда, Олмаотадаги «Қайрат» билан бўлган учрашувдан сўнг тошкентликлар ўзларини ўнглай олишмади. «Кучли» ҳимоямиз ҳам заифлашиб қолди. Буни Носовнинг командадан кетиб қолишига йўйиш ҳам унчалик тўғри эмас.

Мухлисларнинг аксарияти стадионга келишолмайди. Улар мусобақаларни фақат «зангори экран» орқалигина кўрадилар. Шу ўринда телевидение мутасаддиларига ҳам ҳақли эътирозлар бор. Тўп урилган ёки хавфли вазиятларни такрор кўрсатиш қачон мунтазам йўлга қўйиларкин? Спорт кўрсатувлари Бош редакцияси Ахбор Имомхўжаевдан сўнг шарҳловчига ёлчимади. Раҳмонқул Болтаев 12 ноябрдаги беллашувда экранда аниқ кўринган Постновни Ротковиич, Кабаевни Сараев билан алмаштириб айтди.

Унинг энтикиб, сўзларни чала талаффуз қилишидан томошабин чарчаб қолаётир.

Мухлислар сабрсизлик билан кутаётган «Футбол чорраҳаларида» кўрсатувига ҳам «кўз тегди».

Телевиденнедаги бундай нуқсон ва камчиликларни йўқотиш мумкиндир? Бироқ, энг муҳими, ўзбек футболининг шуҳрати қачон тикланаркин? Миллионлаб футбол ишқибозларининг орзулари наҳотки саробга айланса?

Менимча, команда бош тренерлигига Б. Абдураимовни қайтариш керак. Аммо у энди рози бўлармикин, бу қоронғу. Ўзимча, наҳотки жумҳурият футболи мутасаддилари вазиятни ақл тарозиси билан ўлчаб, кўпчилик истакхоҳишини инобатга олишмаса, дея ўйлайман. Кўпроқ эса команда фаолиятини қайта қуриб олишига, бунинг учун имконият борлигига, «Пахтакор»ни олий лигада яна тўп суришига ишонгим келади.

Дилмурод ДУСТМУРОДОВ,
Тошкент Олий партия мактаби тингловчиси.

ТВ

11 ЯНВАРЬ—ПАЙШАНБА

● ЎзТВ I

11.30 Жамиятшунослик. Совет турмуши тарзи. 12.00 «Бозор, хусусий мулк эгаси ва кооперация». Телефильм. 12.30 Ўзбек тили. Феъл. 13.00 «Тутқич бермас қасоскорларнинг янги саргузаштлари». Бадиий фильм («Мосфильм»).

* * *

17.30 Рус мактабларида ўзбек тилини ўрганиш. 18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Деярли ўйлаб топилмаган воқеа», «Сингилгинам». Мультфильмлар. 18.25 «Демократия йўлидан». ЎзССР халқ депутатлиги ва маҳаллий Советлари депутатлигига сайловлар ҳақида. 19.00 «Ишнинг кўрини билиб». Қашқадарё вилояти Қамаши ноҳияси паррандачилик фабрикасининг иш тажрибасидан. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Амалий давра суҳбати». 20.20 Манзарали фильм. 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбекистон Давлат телерадиоси дуторчи қизлар ансамблининг концерти. 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 Ўзбекистон халқ артисти Ғани Аъзамов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган юбилей кечаси. 23.40 Янгиликлар. 23.45 Кўрсатувлар программаси.

● МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 «Дон Кихот ва Санчонинг тирикчилиги». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. Иккинчи фильм. 4-серия. Премьера. 10.10 «Простоквашинода қиш». Мультфильм. 10.25 «Ер юзида севги мавжуд экан...». Я Евдокимов иштирокида фильм-концерт (Минск). 10.55 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 11.55 «Барон Фальфейн. Рус монологлари». Телефильм. 12.55 «Коллаж» (реклама, эълонлар, ахборот). 13.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 13.30 Хоккей. Ўртоқлик учрашуви. «Филадельфия флайерз» (АҚШ) — МАСК. АҚШдан кўрсатилади. 15.30 «Магия» билан учрашув». «МЭЛЗ» ишлаб чиқариш бирлашмаси Маданият саройининг замонавий пластика ансамбли ҳақида телевизион очерк. 16.00 И. Брамс. 1-соната. Ю. Вашмет ва М. Мунтян ижро этадилар 16.25 Ҳужжатли фильмлар. 17.05 Мусиқий хазиналар. С. Рахманинов романсларини Л. Казарновская ижро этади. 18.00 «Жамиятни инсонпарварлаштириш ва виждон эркинлиги». «Коммунист» журнали редакциясида давра суҳбати. 19.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 19.30 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 20.15 «Бир бор экан, бир йўқ экан, бир кучукча бўлган экан» Мультфильм. 20.25 «Дон Кихот ва Санчонинг тирикчилиги». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. Иккинчи фильм. 4-серия. Премьера. 21.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 22.00 «Долзарб интервью». 22.10 «Мамлакатга назар ташлаб». Давлат муаммоларини ҳал этишда шахснинг роли ҳақида. 23.10 ССР Иттифоқи Давлат академик Большой театрида итальян музикаси кечаси. 24.00 Катталар учун мультфильмлар: «Ковбойлар», «Эҳтиёткор эчкилар».

МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.

Ўқув программаси

9.15 «XXI асрда овқатланиш жадвалига доир». Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.35 Табиатшунослик. 4-синф. Яшил патруль. 10.05 Испан тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 11.05 Испан тили, 2-йил шуғулланаётганлар учун. 11.35, 12.35 Физика. 8-синф. Учқун нега йўқолди? 12.35 «Сиз яратган боғ».

13.05 Тарихий фильм. «Иван Грозний». 1-серия. 14.50 Ритмик гимнастика. 15.20 Такрорий телефильмлар сеанси. «Марк Твен қарши...» («Молдова-фильм».)

* * *

17.30 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Олтин Колима». Магаданнинг дастлабки қурувчилари — Сталин лагерларининг маҳбуслари ҳақида (Магадан). 18.10 Ритмик гимнастика. 18.40 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Бор эканда, йўқ экан...» (Свердловск). 19.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан). 19.30 Халқаро кураш фестивали. В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг кичик спорт майдонидан кўрсатилади. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Биздачи...» 20.45 «Денгиз йўли». Полиx денгиз лигасининг иши ва ёшларни денгизчилар руҳида тарбиялаш муаммолари ҳақида. 21.20 Концерт. 22.00 Тарихий фильм. «Иван Грозний». 2-серия. 23.25 РСФСРда хизмат кўрсатган артист Л. Рюмина куйлайди.

ЁШ ЛЕНИНЧИ

МАКОНИМИЗ:
700083 ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ
ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА—32-56-58.
ХАТЛАР БЎЛИМИ— 32-54-65.
Газетамиз якшанба ва душанбадан ташқари, ҳар куни чиқади.
Тиражи 509195 нусха
ИНДЕКС: 64607
ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ НАШРИЁТИНИНГ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ БОСМАХОНАСИ
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Д. — 2307.
Р — 03022.

Муҳаррир ўринбосари Қулман ОЧИЛ.